

Авалло, сув ҳавзалари қурилиши натижасида сизот сувлар сатҳи кўтарилиб, атрофдаги ўрмонлар нобуд бўла бошлади. Тупроқдан нотўғри фойдаланиш эса ернинг ориқлашишига олиб келиди, натижада кўплаб мамлакатлар чўл-биёбонга айланди. Ўрмонларнинг пайҳон қилиниши тупроқнинг қуриб, кукунлашишига, нурашига сабаб бўлади.

4 бет

Йиллар давомида энгил-елпи ҳаёт кечириб, мўмай даромад топиш орузида юрган Роза ниҳоят ўзига иш топди. Аммо у топган иш келажакда қандай ташвиш келтиришини тасаввур ҳам қилмас, аксинча, унга сердаромад "иш" топган Ира опадан ниҳоятда миннатдор эди.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 17-fevral, №07 (736)

Жараён

Тадбир

Мақсад ва масъулият

Инсон ҳамиша келажакка интилиб яшайди. Кўнглимизга тугилган орзулар, олимизга кўйган мақсадлар бизни ҳаракат қилишга ундайди. Аммо, бунинг ўзи кифоя эмас. Ҳаракат қилганда ҳам эртанги кунимиз бутунимиздан ҳам яхшироқ, турмушимиз янада фаровонроқ бўлиши учун сабот билан, қийинчиликлардан қўрқмай, қатъий режа асосида ҳаракат қилиниши керак.

Бу фикрлар нафақат муайян бир шахсга, балки барча оилаларга, жамоаларга, қолаверса, бутун мамлакатга тааллуқлидир. Шу маънода Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси биз учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Маърузада қайд этилишича, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 3 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг ҳулосасига кўра, бу

дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканлиги, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди. Таъкидлаш керакки, халқимиз эришаётган бундай улкан ютуқларнинг негизда юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати мужассам. Президентимиз бошчилигида ўтаётган ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, барча ишларнинг мақсуд давлат дастури асосида аниқ мақсадни қўзлаб амалга оширилаётгани эса муваффақиятларимизнинг омилли бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳам 2010 йилда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, "Баркамол авлод йили"

Давлат дастурининг бажарилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Урни келганда прокуратура органлари фаолиятининг айрим жиҳатларига алоҳида тўхталिश жоиз. Маълумки, Ўртбошимиз 2010 йилга "Баркамол авлод йили" дея ном беришни таклиф қилар экан, бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни Ватанимиз келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаган эди. Дастурни бажариш учун мамлакатимизда барча молиявий манбала ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилганлиги амалга оширилган ишлар қўламли нақадар кенглигидан далolat беради.

(Давоми 3-бетда)

Жорий йилнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ҳамкорликда Президентимиз Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да назарда тутилган гоёларни амалга оширишга иш устувор вазифалар" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Концепция муҳокамаси

Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳали дунё мамлакатлари глобал инқироз оқибатларини охиригача энгилб ўтмаган бир шариоитда ўзининг юқори самарадорлигини намойиш этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини, иқтисодий ривожлантириш жараёнида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларини либераллаштириш фаолияти муваффақиятининг ёрқин мисолини Ўртбошимизнинг Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ҳамда унинг мантиқий давоми бўлмиш 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирил Маҳкамаси мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" номли маърузаларида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Маърузачилар томонидан тақдим этилган маълумотлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси олдида турган устувор вазифалар, республикамизнинг 2010 йил якунлари иқтисодий кўрсаткичлари, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган 8,5 фоизни ташкил этгани, сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва устувор йўналишлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу билан бирга, тадбир иштирокчилари томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий, саноатни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти жадал ривожланиётган пайтда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодқорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, маърузачилар 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан таъкидланган ишчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлигини қайд этиб ўтдилар.

Бундан ташқари, тадбирда халқимизнинг минг йиллик тарихи, миллий анъаналари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойилларига таянган, фуқароларга муносиб турмуш шароитини таъминлашга хизмат қиладиган, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қонуний асосини ўзида муҳассам этган ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хусусида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган олтинта йўналиш муҳокама этилди. Шу билан бир қаторда, талаба ёшлар ҳам Ўзбекистоннинг янги босқичга чиққанлиги ва бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда тақозо этилаётган қатор устувор вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йилнинг якунида, иштирокчилар томонидан муҳокама этилган масалалар бўйича қўмита қарори қабул қилинди.

Йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети профессор-ўқитувчилари, олимлар, магистрантлар ва талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

Фуқаро манфаатлари ҳимояси — асосий вазифамиздир

Мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши қайд этилган. Шунга мувофиқ, агар фуқаро қимингдир хатти-ҳаракатлари оқибатида ўз ҳуқуқ ёки эркинлиги бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилади. Прокуратура органларига эса, Ўзбекистон ҳудудида қонуларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб бориш вазифаси юклатилган. Прокуратура энг биринчи галда, фуқароларнинг Конституция ҳамда қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди. Хусусан, прокуратура органларининг фуқаролик ишларининг судларда қўрилиш жараёнида қонунийликни таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб, бўлиминиз ўтган 2010 йил мобайнида муайян ишларни амалга оширди. Таҳлилларга кўра, йил давомида қўрилган ишлар 2009 йилга нисбатан 31817 тага кўпайган. Прокурор иштироки шарт бўлган барча инстанцияларда ишлар қўрилишида прокурор иштироки тўлиқ таъминланган.

Амалдаги қонуларга мувофиқ бўлмаган суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 91 фоиз, кассация инстанциясида 92,6 фоиз, назорат инстанциясида 66 фоизни ташкил қилди. Республика Олий суди судлов ҳайъатига 42 та иш бўйича Бош прокуратура томонидан келтирилган назорат тартибдаги протестлар қаноатлантирилди.

Этказилган зарарларни ундириш борасида прокурорлар томонидан судларга 28167 та 38 млрд. 435 млн. 83 минг сўмлик даъво ариза-

лари киритилиб, шундан 79 фоизининг ҳақиқатда ундирилиши таъминланди.

Юқорида айтилганидек, фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилган деб топса ариза ёки шикоят билан судга мурожаат этади. Демак, бунинг учун бирор бир сабаб бўлади. Лекин энг муҳими, ҳар бир мурожаатнинг қонунда белгиланган муддатда ҳал этилишидир. Бўлимда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, йил мобайнида 3402 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 21 фоизи бевосита бўлимининг ўзида ҳал қилинди. Бундай ишларнинг таҳлилидан кўринишича, ишга тиклаш 100 та, уй-жой низолари 458 та, моддий ва маънавий зарарларни ундириш 57 та, ер билан боғлиқ низолар бўйича 23 та иш ҳал этилган.

Фуқароларнинг аризалари асосида жами 375 та фуқаролик ишлари чақирилиб, ўрганилган ва суд қарорларининг қонунийлигига баҳо берилди. Бирок, ўрганиш натижаларидан кўринишича, қонун талабларига доим ҳам риоя этилган, деб бўлмайти. Хусусан, фуқаро Ш.Абдувоҳидов судга ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар А.Жаббаров ва Р.Жаббароваларга нисбатан уйдан қўчириш ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни йўқотган деб топишни сўраган. Р.Жаббаров эса, судга қарши даъво ариза билан чиқиб, жавобгар Ш.Абдувоҳидов, А.Жаббаров ва бошқаларга нисбатан олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўрайди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Ш.Абдувоҳидовнинг даъво талаби қаноатлантирилган. Қарши даъво талаби рад этилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб, жавобгар Р.Жаббаровнинг қарши даъво талабини қаноатлантирилган.

(Давоми 7-бетда)

Жорий йилнинг 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов томонидан Бош прокуратурага бу масалада берилган топшириқларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар, маъмурий тўсиқлар ҳамда бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Кўмаклашишга тайёрмиз

Тошкент вилоят прокуратураси ташаббуси билан Янгийўл туман ҳокимият биносининг мажлислар залида бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Унда тумандаги тадбиркорлар, фермерлар, банклар, ҳокимият, прокуратура, ИИБ, солиқ ва бошқа соҳа раҳбарлари иштирок этдилар. Учрашувни Тошкент вилоят прокурори М.Қиёмов кириш сўзи билан очиб, юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, бу борада тадбиркорларга кенг йўл очиб берилаётганини, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча имкониятлар яратилганлигини эътироф этиб ўтди. Шунингдек, тадбиркорлар олдида турган муаммолар, фаоли-

ятларига тўсиқлик қилаётган омиллар хусусида очик-ойдин баён этишларини сўради.

Шундан сўнг сўз олган тадбиркор ва фермерлар ўз олдидларига турган турли муаммолар ҳамда тақлифлари юзасидан фикрларини билдирдилар. Мисол учун, нововойчилик билан шуғулланаётган тадбиркор тегишли ҳужжатларини туман ёр кадастр ходимлари имки ой мuddат ичида ҳал қилмаганини, турли вақтлар баҳона қилинаётганлигини билдирди. Унинг муаммоси шу жойнинг ўзида ҳал этилиши таъминланди.

Тадбиркор Асқар Иноғомов олдинги учрашувда корхонада электр токидан узлишиш бўлаётганлиги, бу эса фаолиятга жиддий таъсир кўрсатаётганлигини билдирганини

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
"Huroq"

таётганлигини билдирганини айтди. Уша вақтда прокуратура томонидан қўрилган чоралар натижасида бугунги кунда туман электр тармоқлари корхона томонидан доимий равишда электр токи берилаётганлигидан миннатдор эканлигини билдирди. Шунингдек, яна бир тадбиркор 2010 йилда банкдан 100 млн. сўм кредит олиб, ҳозирда бу маблағни 700 млн.га етказиб, кредит фоизларини ўз вақтида тўлаб келаяётганлигини айтиб ўтди.

Берилган саволларга тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари жавоб бердилар.

Мухтарам Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида касб-хунар коллежлари фаолиятига йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берилар.

Бола тарбиясига барча масъул

Ш.УСМОНОВ,

Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Биринчи навбатда 9-синф битирувчилари касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ўқитувчилар тарқибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш, касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаятган битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Ушбу масала кўп жиҳатдан битирувчиларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчаллик чуқур ўрганишимизга боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида муайян корхона ва иш берувчиларни тўрдош коллежларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиладиган "корхона-колеж" ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қувватлаш, ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этишга алоҳида ургу берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида-

ги маърузасининг моҳиятини тушунириш, унда берилган топшириқларнинг баҳарлигини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан касб-хунар коллежларида режа асосида тадбирлар олиб боришмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Андижон шаҳридаги енгил саноат касб-хунар коллежиди ўтказилди.

Ота-оналар ва коллеж ўқитувчилари иштирокчида ўтказилган йиғилишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов иштирок этиб, мухтарам юртбошимиз маърузасининг моҳиятини тушунириш билан бирга, ота-оналарнинг фарзандларини тарбиялаш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлик учун белгиланган жавобгарлик, битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартномаларнинг тўлиқ тузилиши, бунда коллеж битирувчиларининг амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этиш масалаларига алоҳида аҳамият берилишини таъкидлади.

Очик мулоқот тарзида ўтказилган йиғилишда ота-оналарни қизқирган саволларга жавоблар берилди, битирувчиларнинг бўлғуси иш жойларида ишлашни ташкиллаштириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Лоқайдликка йўл қўйилмайди

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2010 йил давомда прокуратурага мурожаат қилган 724 та фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Тахиятош шаҳар "Мир-Шарипов" кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг ўтган йил июль ойида 3 ойдан бери ичимлик суви етказиб берилмаётганлигидан шикоят қилиб шаҳар прокуратурасига ёзган аризаларни кўриб чиқилганда унинг асосли эканлиги аниқланди. Тахиятош сув ва оқова" ташкилоти томонидан фуқароларга ўзaro тузилган шартнома асосида ичимлик суви етказилиши лозим бўлган. Бирок, қувурларнинг ўз вақтида таъмирланмаганлиги ва техник қаровдан ўтказилмаганлиги сабабли сув етказиб берилмаган. Мурожаат шаҳар прокуратураси аралашуви билан ҳал қилиниб, сув таъминоти йўлга қўйилди.

Беруний қурилиш-монтаж бошқармасининг бир гуруҳ ишчи ходимлари туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилишди. Улар 2007-2009 йиллардаги ойлик маошларини ҳисоб-китоб қилиб, ундириб берилишини сўрашган. Мазкур аризани кўриб чиқиш жараёнида қурилиш-монтаж бошқармасининг 9 нафар ишчи-ходимига ишлаган даври учун жами 8 млн. 800 минг 473 сўмлик иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, бошқарма раҳбари ишчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида ҳисоблаб бериш, касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интиминони бузган. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 3-

М.ТИЛЕУМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Эллиқалфа туман прокуратураси тумандаги "Тоза боғ" овул фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Абдулла Ҳўрабев ва унинг турмуш ўртоғи Жумагул Ҳўрабевларга мурожаат қилиб, нафақа пуллари кам ҳисобланганлиги ҳақида қўриқлишган эди. Ариза бўйича ўтказилган текшириш жараёнида ҳақиқатдан ҳам А.Ҳўрабев ва Ж.Ҳўрабевларга нафақа таъинлашда хатоликка йўл қўйилганлиги аниқланди, тўланмаган 65 минг 998 сўм нафақа пули таъинланди ва тўланиши таъминланди.

Ҳар бир ариза ва мурожаат ортида қонун тақдирини туради. Бунга ҳеч ким лоқайд бўлмаслиги лозим.

Доимий назорат ўрнатилган

Отабек АТАКОВ,
Нурота туман прокурори

Мамлакатда қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаси саналади. Шу боисдан бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида Нурота туман прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ишлар билан ҳамкорликда туманда қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартибни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва фош қилиш борасида қатор ишлар амалга ошириляётир.

Ўтган йилда туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 36 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 48 та тақдимнома, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 26 та протест киритилди. Шу жумладан, 37 нафар шахс расман огоҳлантирилган бўлса, 101 нафар шахсга нисбатан интизомий жазо қўлланилиб, 93 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарлик бўйича ишлар қўзғатилди. Бу ҳолатлар оқибатида етказилган 1 млн. 224 минг сўмлик моддий зарар ундирилди. Шу билан бирга, фуқаролик судларига 13 млн. 574 минг сўмлик зарарни ундириш ҳақида 38 та давво аризалари киритилиши таъминланди. Қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди. Мисол учун, туман электр тармоқлари корхонасида ўтказилган текширишда электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, ҳисоботларни сохталаштириш орқали давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишганлиги маълум бўлди. Ҳолат юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Суднинг айблов ҳўми асосида корхонанинг 6 нафар мансабдор шахслари тегишли жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, мутахассисларни жалб қилган ҳолда пенсия жамғармаси туман бўлимида ўтказилган текширишда ҳам қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Маълум бўлишича, бўлим мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, 2008-2009 йиллар давомида фуқароларнинг ёшга доир пенсияларини ҳисоблаб чиқишда қонун талабларига зид равишда пенсия ёшига етган фуқароларга давлат архиви ва иш жойларидан иш ҳақи ҳамда иш стажига тўғрисида нотўғри маълумотларни расмийлаштириб келганлар. Оқибатда 23 та ҳолатда 41 млн. сўм, ноғиронларга нафақалар тайинлашда 8 та ҳолатда 1,7 млн. сўм, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда 5,0 млн. сўм, жами 37 та ҳолатда 47,8 млн. сўмлик тўловлар қонунга хилоф равишда амалга оширилган. Етказилган зарар аниқланиб, туман прокуратураси томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан ижтимоий таъминот бўлимининг собиқ ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, бўлимнинг 6 нафар мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан туман ҳокимлиги, меҳнат бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда 2010 йилда аҳолининг ишсиз қатламни меҳнатга жалб қилиш бўйича 5 мартаба "Меҳнат ярмаркаси" ташкил қилинди. Уларда 154 та корхона ва ташкилотлар 572 та иш ўринлари билан иштирок этди. 646 нафар фуқаро меҳнат ярмаркасида қатнашиб, уларнинг 300 нафари ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга, ярмаркада аҳолига тегишли маслаҳатлар берилиши ҳам таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 17 та текшириш ўтказилиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 16 та тақдимнома киритилди. 78 нафар шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 9 нафар шахсга нисбатан интизомий, 14 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Етказилган 7725 минг сўмлик моддий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судларга 20 та давво аризалари киритилди ҳамда кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, туман прокуратураси томонидан тумандаги Ф.Ҳўжаев номи ширкат хўжалигида чорвачилик тўғрисидаги қонун ижроси бўйича ўтказилган текширишда хўжаликнинг собиқ гуруҳ бошлиғи Н.Тоҳиров хўжаликнинг жами 9658 минг сўмлик чорва молларини талон-тороқ қилганлиги маълум бўлди. Туман прокуратураси томонидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а, в" бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Худди шундай ҳолатлардан яна бири тумандаги "Ҳозгон" ширкат хўжалиги чўпони З.Худойқулов томонидан содир этилган. Текширишда маълум бўлишича, у жами 24 млн. сўмлик чорва молларини талон-тороқ қилиб юборган. Ҳолат юзасидан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди. Тергов вақтида етказилган зарарнинг қопланиши таъминланди, айбдор суд ҳўми билан тегишли жазога тортилди.

Жорий йилда ҳам туманда қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўриб борилмоқда.

Мақсад ва масъулият

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Корақалпоғистон мисолида гапирадиган бўлсак, 2010 йилда 4 та касб-хунар коллежида янгидан ётоқхоналар барпо этилди ва биттаси реконструкция қилинди, 2 та мактаб, 85 та болалар боғчаси жорий таъмирдан чиқарилди. Улар 1272 та компьютер техникаси ва 53 та мультимедиа ускунаси билан таъминланди. 3 та болалар спорт иншооти фойдаланишига топширилди.

Корақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор назорат тадбирларини амалга оширди. Бу борада республикада амалга оширилган эзгу ишлар билан бир қаторда айрим ноҳус ҳолатлар ҳам учраётганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, текширишларда аниқланишча, Мўйноқ тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи иморатининг капитал реконструкция ишларини бажарган "260-сонли қурилиш монтаж-поезди" МЧЖ мутасаддилари таъмирлаш ишларига ажратилган бюджет маблағларидан жами 15 858 минг сўмини талон-торож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан Корақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, келтирилган зарар дастлабки тергов даврида тўлиқ ундирилди. Айбдорларга суд томонидан қонунга мувофиқ тегишли жазолар тайинланди.

Республика иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги муҳим ўрин тутди. Яна шуниси эътиборга молики, айни кунларда бу соҳада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75,6 фоизи иш билан банд. Улар

уҳун қулай меҳнат шароити яратиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши, шартномавий муносабатларга тўлиқ риоя этилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Яратилган шарт-шароитлар туфайли қорақалпоғистонлик фермерлар, деҳқонлар, чорвадорлар махсулот етиштириш бўйича давлат буюртмасини ортиги билан бажариш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қатта улуш қўшиш айти. Аммо, айрим мансабдор шахслар уларнинг фаолиятига суъбий тўсиқ яратишмаганда, эришилаётган ютуқлар бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Соҳада ўтказилаётган текширишларда ана шундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Беруний тумани "Еггарли Азаматлар" фермер ҳўжалигида ишловчи бир гуруҳ хизматчиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилиши қўриб чиқилганда, фермер ҳўжалиги мансабдор шахслари томонидан ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, 2009 йил апрель-август ойлари учун 4 миллион 254 минг 354 сўм иш ҳақларини бермасдан, фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол қилиб келаётганликлари аниқланди. Мурожаат тезда ўрганилиб, фермер ҳўжалигида ишловчи ишчиларнинг ололмай юрган иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. Жиноят иши Беруний тумани жиноят ишлари бўйича судига ўтказилиб, айбдор шахсларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ортимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган эканмиз, аҳолининг ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Бу борада Корақалпоғистон Республикаси

прокуратураси органлари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруқ ва кўрсатмалари асосида фаолият юритмоқда. Утган йили Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларига фуқаролардан 4449 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 2247 таси бевосита прокуратура органларининг ўзидан хал қилиниб, 2251 таси тегишлига кўра бошқа орган ва муассасаларга юборилди. 3465 нафар фуқаро прокурор қабулида бўлди. Натижада фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Маълумки, ривожланишнинг "ўзбек модели"даги ўзига хос хусусият мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганида намоён бўлади. 2000 йилда янги ички махсулотнинг қарийб 31 фоизи ушбу сектор улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. 2011 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги ва махсус Давлат дастури қабул қилинганлиги мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришни, унинг иқтисодийётидаги улушини 53 фоизга етказишни назарда тутди. Бу ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси органларига ҳам қатта масъулият юқлайди. Утган йили ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Шу ўринда барча прокуратура органларида тадбиркорлар учун "Ишонч телефонлари"нинг ишлаб турганлигини таъкидлаш ўринлидир. Қилинган мурожаатлар асосида Қорақалпоғистон Рес-

Жиенбай НАРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори вазифини бажарувчи

публикаси бўйича шу йилнинг ўтган даври мобайнида 15 нафар тадбиркорлик субъектининг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашган, тўсиқлик қилган айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Мисол учун, Беруний туманида ашовчи яққа тадбиркор Б.Матякубов Беруний тумани прокуратурасига қилган мурожаатида туман ҳокимлигидаги тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясидан тегишли тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлишига қарамай, инспекция томонидан тадбиркорлик гувоҳномаси берилмаётганлигини айтиб, ёрдам сўраган. Прокуратура аралашувида кейин тадбиркорга гувоҳнома олиб берилди ва Беруний тумани ҳокими номига тақдиминома киритилди. Қўнғор туманида яққа тадбиркор Раъно Тожибоева савдо-сотик ишлари билан шуғулланиш учун банкдан кредит ололмаганлиги бўйича туман прокуратурасидан ёрдам сўраган. Ушбу мурожаат ҳам прокуратура аралашуви билан хал қилиниб, амалий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларининг бундан кейинги фаолияти ҳам юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашишга қаратилди. Зеро ҳар қим, ҳар қайси орган ўзига қўлатилган вазифаларни сидқидилдан адо этсагина Ўзбекистонимизнинг келажакки порлоқ бўлади.

Жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш кенг қўламли муаммолар сирасига киради. Барча мамлакатлар ўзаро ахборот алмашув соҳасида самарали ҳамкорлик қилмасалар ҳамма халқаро ҳамкорликнинг бошқа тегишли чоратадбирлари амалга оширилмас, бу балога самарали қаршилик кўрсатиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги бир қатор асосий ҳужжатларни, шу жумладан, БМТнинг 1988 йил 19 декабрда Вена шаҳрида қабул қилинган "Гибъвандлик восталари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида"ги, 1999 йил 9 декабрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги, 2000 йил 15 ноябрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши" номи, 2003 йил 31 октябрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган "Коррупцияга қарши" номи конвенцияларини ратификация қилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон 2005 йил декабрь ойидан бошлаб жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш Евроосиё гуруҳининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Маълумот тарихида: Евроосиё гуруҳи халқаро худудий тузилма бўлиб, унинг асосий мақсади ЕОГА аъзо мамлакатларни жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳалқаро тизимига интеграция қилиш ҳамда худудий миқёсда самарали ҳамкорликни таъминлашдан иборат.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлида

Ушбу соҳада олиб борилаётган ишларнинг бир йўналиши Ўзбекистон Республикасининг "Эгмонт" молиявий разведка бўлиналари гуруҳига аъзо бўлишдан иборат.

Маълумот тарихида: "Эгмонт" молиявий разведка бўлиналари гуруҳи ҳозирги кунда дунёнинг 121 мамлакат молиявий разведка бўлиналари билан бирлаштирган, давлатларнинг жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида фаолият юритадиган ваколатли органларининг халқаро ташкилотидир.

"Эгмонт" гуруҳининг асосий вазифалари янги молиявий разведка бўлиналарини ташкил этиш ва улар орасида ахборот алмашиш бўйича ҳамкорликни тараққий эттиришга қўмақлашдан иборат. Таъкидлаш лозимки, республикамизнинг ушбу гуруҳга аъзо бўлиши жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида тегишли чораларни кўллаш ҳамда хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлиналари билан ахборот алмашиш бўйича имкониятларимизнинг кенгайтиришга хизмат қилади.

2010 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг таркибига СВОЖДЛКК Департаменти ходимлари бўлган делегацияси Канада давлатига ташриф буюришди. Ташрифдан қўланган мақсад, Ўзбекистон Республикаси ва Канада давлат органларининг жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришдан иборат эди.

Танишув сафари чоғида делегациямиз "Эгмонт" гуруҳи штаб-квартирасига ташриф буюриб, ушбу ташкилот

нинг ихрочи котиби Б.Сомервилль хоним билан суҳбатлашди. Ушбу учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси вакиллари "Эгмонт" гуруҳига аъзо бўлиш ниятида эканликларини расман баён этдилар ва хоним билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Белгиланган тартибга кўра, "Эгмонт" гуруҳининг аъзолари — Сербия ва Россия молиявий разведка бўлиналари Ўзбекистон Республикаси молиявий разведка бўлиналарининг ушбу ташкилотга аъзо бўлиш бўйича мувофиқлаштирувчи этиб белгиланди.

Ўзбекистоннинг "Эгмонт" гуруҳига аъзо бўлиши ёрдам кўрсатиш учун 2010 йил 15 ноябрдан 19 ноябргача Сербия Молиявий разведка бўлиналари вакиллари расмий ташриф билан Ўзбекистонга келиб кетиши. Бундан ташқари, 2011 йил 31 январдан 2 февралгача Россия Федерацияси молиявий разведка бўлиналари вакиллари худди шу мақсадда Ўзбекистонда бўлишди.

Қўрида тилга олинган ташрифлар чоғида Ўзбекистон томонидан жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича миллий тизимни янада такомиллаштириш борасида кўрилаётган

Саидаббор ГУЛЯМОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

чора-тадбирларга тааллуқли масалалар, шунингдек, СВОЖДЛКК Департаменти фаолиятини ҳамда унинг жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш борасида фаолият юритадиган хорижий ваколатли органлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Ўтказилган учрашувлар натижалари бўйича "Эгмонт" гуруҳи талабларига мўнаволи равишда тегишли ахборот тайёрланди ҳамда Департаментнинг Сербия ва Россия молиявий разведка бўлиналари билан келажакдаги ҳамкорлиги тартиби белгилан олди.

Бугунги кунда жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлардан Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Россия Федерацияси "Эгмонт" гуруҳи аъзоллигига қабул қилинган. Қирғизистон Республикаси ва Хитой ушбу ташкилотга аъзо бўлиш учун фаол ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Ҳар бир фуқаронинг бурчи



Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатга бўлишга мажбурланар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси)

Биосферада нисбатан жула ҳам кичик масса ҳисобланган инсон фаолиятининг нақар кенглигини тарих зарварлари кўрсатиб турибди. Бир вақтлар табиатга қарам бўлган аждоғларимиз ривожланиш туфайли ердаги эволюциянинг қудратли факторига айланди. Биргина энергия мисолида оладиган бўлсак, инсон механикавий энергиядан бошлаб электр ва атом энергиясигача бўлган жараёнларни эгаллаб олди. Шу билан бирга, каналлар, сув омборлари барпо этиш орқали дарёларни кенгайтириб, уларнинг ўзани ўзгартирили, ўрмонлар кесилиб, табиатга бевосита таъсир ўтказилди. Уш асарларда буларнинг барчасини табиат устидан қозонилган "ғалаба" дея атаган инсон қишмишларининг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмади. Натижага нимага эришилди?

Аввало, сув ҳавзалари қурилиши натижасида сизот сувлар сатҳи кўтарилди, атрофдаги ўрмонлар нобуд бўла бошлади. Тупроқдан нотўғри фойдаланиш эса ернинг ориқлашишига олиб келди, натижада кўпмаклатлар чўл-биёбонга айланди. Ҳўрмонларнинг пайҳон қилиниши тупроқнинг қуриб, кукунлашишига, нурашига сабаб бўлди.

Ҳўрмонларнинг нима учун кераклигини билганими?

Ҳўрмон шомолини тўсиб қолади ва сувни буғлатириб, иқлимни юмшатади. Шу билан бирга, қорнинг эришини секинлатиб, эритган қор суви эса далаларни секин-аста намлайди ва сизот сувларни тўлдирди. Шунга кўра дарёларда сув сатҳи доимий сақланиб, баҳорда тошқинлар юз бермайди. Ҳўрмонлар айнақча тоғларда керамика дархатларнинг чирмашиб кетган илдизлари тупроқни ювилиб кетишдан сақлайди, сел оқимларини тўхтатиб, жарликлар ҳосил бўлишига йўл қўймайди.

Бундан ташқари, оби-ҳаёт ҳисобланмиш сувнинг тозаланиши ҳам ўта муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, аксарият ҳолларда ундан фойдаланишда бепарволикка йўл қўйилмоқда. Айниқса, санаят чиқиндиларининг сувга оқизиши натижасида нафқат сув, балки ҳаво билан тупроқ ҳам зарар кўрмоқда. Ифлосланган дарё сувлари эса денгизга тушган, у ердаги ҳайвонот оламини захарламқода.

Юқориди келтирилган ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, табиий муҳитни, айнақча ўрмонларни муҳофаза этиш айнақча дамдаги ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Табиатга бепарволикка муносабатда бўлишнинг оқибати нималарга олиб келишини англаган айрим давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунга 2004 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуни ҳам мисол бўла олади.

Ушбу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш, табиий жараёнларни сақлаш ҳам қонуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самардорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғида ҳам табиий муҳофаза қилиш қонунчилиги устидан назорат олиб боришда ер фонди турларининг ҳуқуқий мақомини ноқонуний ўзгартирилиши, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни издан чиқариш, ўрмон бойликларни, ҳайвонот дунёсининг йўқолиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда сувдан ҳўжайизларча фой-

даланишга қарши курашишга қаратилган қонун талабларига риоя этилишига эътиборни кўчатириш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги ташкилотларда ўтказилган текширишларда "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, қўмита тизимида қонунлар ижроси тўғри ва талаб даражасида ташкил этилмаганлиги сабабли қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Текширишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан тўғри фойдаланиш, давлат кадастрини юритиш, давлат назоратини амалга ошириш, шу масалага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бюджет маблағларини ўрнида сарфлаш каби масалаларда жиддий камчиликлар кўзга ташланди.

Хусусан, қонун кучга киргандан, яъни 2004 йилдан буён, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортини юритиш" ва "Табиий ҳудудларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш" тартиблари ишлаб чиқилмаган. Натижада, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси, тоифалари ва ҳолати, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотлар базаси шаклланимай қолган. Бундан ташқари, Фанлар академияси билан ҳамкорликда табиий ҳудудлар давлат кадастрини юритилмай, қонун талаби бузилган.

Қўмита мутасаддилари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар" муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига зид тарзда, республика даражасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрининг бир қисмини юритишни "Давбоназорат" инспекциясига юклаб қўйишган. Шунингдек, 2008 йилдан буён давлат кадастрини юритиш учун маълумотлар тўпланмаган.

Натижада эса, табиий ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларда турли тафовут ва чалқашликлар юзга келган. Масалан, Навоий вилоятидаги "Қуюқмозор" табиий монументини, Бухородаги "Қорақўл давлат ўрмон ва ов ҳўжалиги Мажмуа бюрторма қўрғончаси", Фарғонадаги "Зилага", "Бўстон бува" ва "Ақбаробод" қум барханлари давлат табиий ёдгорликлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритилмай қолган бўлса, Фарғона вилоятидаги "Марказий Фарғона" давлат табиат ёдгорлиги, Навоий вилоятидаги "Сармишасай" археологик музей-қўрғонча табиат мажмуаси Фарғона ва Навоий вилоят табиий муҳофаза қилиш қўмиталари рўйхатига қайд этилмаган. Текширишлардан сўнг ана шундай муҳофаза этилиши лозим бўлган табиий ҳудудлардан 14 тасита табиий ҳудуд мақоми берилди.

Масалан, Қоровулбозор туманидаги 11,3 минг гектар майдондаги "Халича" сув ҳавзаси, Жондор туманидаги 4,9 минг гектарли "Қумсултон" сув ҳавзаси ва 7 гектарли "Вархишо",

Қорақўл туманидаги 30 гектарли "Пойкент" тарихий ёдгорлиги, Кегейли туманидаги "Даут" ҳамда "Ақсуба" қўлларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилиб, Сариев туманидаги "Шаршара" булоқ суви табиат ёдгорлиги деб эълон қилинди.

Юқориди қўмита томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни аниқлаб, уларга табиий ҳудуд мақоми бериш ишлари пайсалга солингани ҳақида айтиб ўтган эдик. Бунни қарангчи, бундай бепарволикдан устамонлик билан фойдаланилган ҳам учраб турар экан.

Орамызда Навоий вилоятидаги "Айдаркўл" сув ҳавзаси, ундаги бебаҳо ҳайвонот дунёси ҳақида эшитмаганлар дегарли топилмаसा керак. Аммо табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитасидаги мутасаддиларнинг бундан хабарлари бўлмаса керак. Йўқса, сув ҳавзаси худудига "Классик империяси" ҳамда "Шамс Нуриддин" каби корхоналар, "Дилрабо" ва "Само" номи фермер ҳўжалиқларининг мансабдорлари томонидан бинолар қурилишига бефарқ бўлиб турмасдилар.

Шу каби Фарғона туманидаги 74 гектар майдонга эгалланган соғломлаштириш маскани қаровис қолдирилиши оқибатида унинг худудига 106 та дам олиш маскани ноқонуний ташкил этилиб, фаолият юритиб келган. Мирзаобод туманидаги 78 гектардан иборат "Турналар" қўли эса 2009 йилда Сирдарё вилоят "Овчилар ва балиқчилар спорти жамияти"га 10 йил муддатга фойдаланиш учун ноқонуний тарзда бериб юборилган.

Шунингдек, табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қатъий режимига эга бўлган ва табиий ҳудудлардан ҳисобланган давлат қўрғончалари устидан ҳам етарлича назорат ўрнатилмаган. Қўмита ва унинг тизимида табиий ҳудудлар турларга тўғри ажратилмагани боис, қўрғончалар тоифалари аниқ белгиланмай, чалқашликларга йўл қўйилган. Масалан, Бухоро вилоятидаги "Жайрон" экомаркази республика қўмитасида "табиий питомниклар" қаторига киритилган бўлса, вилоят қўмитасида "давлат қўрғончалари" тоифасига киритилган. Ачинарлиси, бундай ҳолатларни Жиззах ва Навоий вилоятларидаги қўрғончалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида қўрғончалар назоратини қолдириб, улар худудига ўсимлик дунёси пайҳон қилинган. Биргина "Зомин" давлат қўрғончаси худудига фуқаролар Б.Алишев ҳамда С.Мажидовлар чорва молларни боққандликлар натижасида ноёб ўсимликлар нобуд қилиниб, табиатга 62,2 млн. сўмлик зарар етказилган. Тошкент вилоятидаги "Утам-Чотқўл" давлат боғи худудига эса фуқаро Ш.Жўраевнинг қорамоллари бемалол озиқланиб, ўсимлик дунёсига 5,2 млн. сўмлик зарар етказган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилюмоқда.

Айрим ҳолларда эса қўрғонча ҳодимларининг ўзлари бошқаларга "ўрناق" бўлиб, ноёб ўсимликларни нобуд қилишган. Мисоллар мурожаат қилсак: Қорақалпоғистон Республикасидаги "Бадай Тўқай" давлат қўрғончаси ҳодими Э.Ғаниев шериклари билан 29,8 млн. сўмлик 481 дона "Туронгил" дархатларини кесиб, сотмоқчи бўлганида ушланган бўлса, "Сурхон" давлат қўрғончаси ҳодимлари томонидан қўрғонча худудига чорва моллари боқилиб, дархатлар кесилган. Натижада табиатга 4,1 млн. сўмлик зарар етган. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлардан етказилган зарар ундирилиб, уларнинг жавобгарлик масалалари ҳал этилган.

Юқориди оби-ҳаёт ҳисобланмиш сув ҳақида фикр юритган эдик. Ҳукуматимиз томонидан бу масалага жиддий ёндашилиши, сувнинг софлигини сақлаш, уни муҳофаза қилишга доир тегишли қарорлар қабул қилиниши, Чўноччи, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 январдаги "Сурхондарё вилоятидаги Сурхондарё дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонасини ва қирғоқ бўйи полчасини белгилаш тўғрисида" Қарорига асосан, 2005 йилгача Сурхондарё дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқ бўйи минтақасидан тегишли объектлар чиқарилиши лозим бўлса-да, бундай амал қилинмай, 12 та объектнинг чиқарилганлиги ҳақида ҳисобот берилган. Худди шундай ҳолатни "Андижон ва Наманган вилоятларида Қорадарёнинг сувни муҳофаза қилиш

Ақтам НАВРЎЗОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

зонасини ва соҳил бўйи полчасини белгилаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 апрелдаги Қарорининг бажарилмай, нотўғри ҳисобот берилишида ҳам кўриш мумкин.

Бундай назоратсизлик эса, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан сувни муҳофаза қилиш зонасини ноқонуний эгалланишига, ундан фойдаланиб, ифлосланишига олиб келган.

Сирдарё дарёсининг Мингбулоқ туманидан оқиб ўтувчи қўсимнинг муҳофаза минтақасида фуқаролар ўзбошимчилик билан ўй-жойлар қуриб олишган бўлса, "Ҳатирчи ихтисослаштирилган мол бозори" МЧЖ томонидан Оқ дарёнинг муҳофаза зонасида мол сўйиш жойи, "Ҳофиз Оруз" хусусий корхонаси Чирчиқ дарёси ўзанида қум-шағал карьеры, "Навоий иссиқлик электр станцияси" ва "Кармана гипс маҳсулотлари" корхоналари томонидан Зарафшон дарёси бўйида чиқиндиларни ташкил этилган.

Ҳайрон қоларлик жиҳати, қўмита мутасаддилари табиий ҳудудларга реал ҳаф тудирувчи фаолият турларига экология экспертизасининг ижобий ҳулосаларини бемалол бериб юбораверишган.

Биргина Қашқадарё вилоятида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ёнилги қўйиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа фаолиятлар учун асосини равишда 42 та экология экспертизасининг ижобий ҳулосаси берилган бўлса, Чирчиқ туман табиий муҳофаза қилиш инспекциясининг бошлиғи З.Боймуродов вилоят табиий муҳофаза қилиш қўмитасининг гербли муҳрини сохталаштириб, 3 та корхонага қанбаки экология ҳулосасини тайёрлаб берган. Наманган вилоят табиий муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари ҳам "ҳўжат-барор"ликда юқоридидаги ҳаммасбларидан қилишмас экан. Улар фуқаролар Ж.Ҳасанов ҳамда А.Усмоновга "Подшо ота" сойи бўйида дала ҳовли қуришлари учун ноқонуний тарзда экология экспертизасининг ижобий ҳулосасини тайёрлаб берганлар.

Айрим ҳолларда эса, туман ҳокимлари томонидан табиий ҳудудлар ер майдонлари юридик ва жисмоний шахсларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун давлат экология экспертизасининг ижобий ҳулосаси олинмасдан қилиб юборилган.

Ўтказилган текширишларда, шунингдек, тизимда айрим мутасаддилар томонидан мансаб ваколатини суниестемол қилиш, порахўрлик ва ўзанинг мулкни талон-торож қилиш каби ҳолатларнинг юз бергани ҳам аниқланди. Жумладан, Сурхондарё табиий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Р.Сафарова экология экспертизасининг тайёрлаб бериш эвазига 11,4 млн. сўм ва 2.500 АҚШ доллари олганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқарраллиги тазминланди. Оқолтин туман табиий муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи М.Бобоназаров 10 дона терак кесилганлиги ҳолатини расмийлаштирмамаслик эвазига 150 минг сўм олган пайтда ушланган бўлса, Андижон вилоят табиий муҳофаза қилиш қўмитаси мансабдорлари 18,4 млн. сўм бюджет маблағини талон-торож қилганлар.

Текшириш натижаларига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 197 та тақдирнома киритилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 206 та протест келтирилиб, мансабдор шахсларнинг 61 нафари расман оғоҳландирилди. 171 нафар шахс интизомий, 713 нафар маъмурий жавобгарликка тортилди. 15 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлардан 10,4 млн. сўм зарар ихтиёрий ундирилди. 50,2 млн. сўм зарарни ундириш тўғрисида судларга 44 ариза киритилди.

Четдан қараганда, табиат бойликлари битмас-туганмасек туялоди. Аслида ундай эмас. Ҳар қандай нарсанинг ҳам чегараси бўлгани каби, улар абдий эмас. Шундай экан, атроф-муҳитни асраб-авайлаш нафқат бу ишга масъул бўлганларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланишини англаган ҳолда, шунга қараб фаолият юритганимиз шарт.

Қонун ижодкорлиги — жамият тараққиётининг гарови

Хуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга аҳолининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш, қонун ижодкорлиги ташаббускорларининг фаолиятини такомиллаштириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмун-муҳиятини аҳолига етказиш, тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш қонунийликнинг муҳим омилларидан бири бўлган боис хуқуқий тарғибот ва қонун ижодкорлиги фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ масаладир. Мақсади қонунларнинг пухта ва мустаҳкам бўлишини таъминлашга йўналтирилган ҳар икки фаолият прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади.

Прокуратура органлари қонун ижодкорлиги фаолиятига доир белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, республикадаги мавжуд хуқуқий тизимни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жумладан, 2009-2010 йиллар мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентиغا Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ҳам тартибга солишга қаратилган 17 та қонун лойиҳаси киритилган. Шунингдек, болаларнинг хуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича норматив базани янада такомиллаштириш мақсадида Республика Бош прокурори томонидан Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига "Воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси киритилиб, ушбу қонун "Воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун деб номланиб, 2010 йил 29 сентябрь куни қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши воёга етмаганларнинг хуқуқбузарлигини профилактика қилувчи бир қатор органлар фаолиятини хуқуқий тартибга солишга хизмат қилади. Жумладан, воёга етмаган шахсни махсус мактаб-интернатларга, каровис қолган воёга етмаганларни ижтимоий хуқуқий ёрдам

кўрсатиш марказларига жойлаштириш ва Республика болалар ижтимоий мослашув марказларига юбориш масалалари алоҳида қонун билан эмас, балки Низом асосида тартибга солиб келинганлиги сабабли амалиётда баъзи бир муаммоларга дуч келинар эди. Ушбу қонунда эса ҳар бир органнинг вазифаси аниқ ва равшан қилиб белгиланганлиги, болаларни бу муассасаларга жойлаштириш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши воёга етмаганлар хуқуқларининг тўла таъминланишига хизмат қилмоқда.

Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси асосида Қонунчилик палатасига киритилган яна бир янги қонун — Ўзбекистон Республикасининг "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, республикада дафн иши ва дафн этиш маълум бир қонун билан ёки бошқа норматив хуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаганлиги сабабли дафн иши, дафн этиш жойларидан фойдаланиш турлича амалга ошириб келинар, айрим ҳолларда эса хорижий фуқароларни ўз юртида дафн этиш масалаларини ҳал этишда хуқуқий бўшлиқ мавжудлиги тўғрисида бу масалалар фақатгина ўзаро келишувлар асосида амалга ошириб келинар эди.

Ушбу қонунда дафн этиш жойлари моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилиб, давлат ҳокимияти органларининг бевосита тасаруфидан бўлиши белгиланди.

Дафн этиш жойлари алоҳида тартибда сақланиши лозим, яъни, у ерларда мол боқиш, мевали дарахтлар ўтказиш, уй-жойлар қуриш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Дафн этиш жойлари кўчирилганда, бу ерлардан 20 йилгача фойдаланиш мумкин эмаслиги, бундай жойларда фақат дарахтзорлар барпо этиб, қўқламзорлаштириш ишларини амалга ошириш мумкинлиги белгиланди. Бу масалаларнинг тартибга солиниши, дафн этиш жойларидан фойдаланиш меъёрлари чегараланганлигини инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳимоялашга доир белгиланган қафолат деб ҳисоблаш ўринли бўлади. Чунки, қонун қабул қилингунга қадар дафн этиш жойларидан фойдаланиш тартиби аниқ бирор-бир қонунда ўз ифодасини топмаганлиги боис бу жойлардан турлича мақсадларда фойдаланилар, яъни мевали дарахтлар ўтказиш, уй-жойлар қуриш каби турли ишлар амалга оширилари эди.

Қабул қилинган қонунда эса бу масалалар тўла ўз ифодасини топан бўлиб, улар дафн этиш ва дафн ишларини тартибга солишга хизмат қилади.

2010 йилнинг 25 декабрида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзалари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, республиканинг

давлат рамзаларидан фойдаланишга доир қоидалар аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу қонунларга риоя этмаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жавобгарлики белгиланган янги 2031-модда киритилди. Ушбу моддада давлат рамзалари тўғрисидаги қонунларнинг нормаларини бузганлик учун тегишли жавобгарлик белгиланди. Албатта, бу қонуннинг қабул қилиниши муҳим маънавий аҳамиятга эга бўлиб, аввало, давлат рамзаларига бўлган ҳурмат ва эътиборни янада оширишга хизмат қилади. Ушбу қонун қабул қилингунга қадар давлат рамзаларидан фойдаланиш тегишли қонунларда аниқ ифодаланмаганлиги сабабли улардан турлича, ҳатто дафтар ва китобларнинг муқоваларида ҳам фойдаланиш ҳолатлари кенг урф бўлиб, бу ҳолат давлат рамзаларининг қадри тушишга олиб келар эди. Эндиликда бу масалалар тўла тартибга солинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ислох этишга доир бир қатор қонунлар, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ўртаб, 2010 йилнинг 25 декабрида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзалари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, республиканинг

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ кафедраси бошлиғи

зифаларни бажаришга доир тадбирлар ҳам белгилаб олинган. Жумладан, Президентимиз ўз маърузасида суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштиришга доир саккизта йўналишдан иборат чора-тадбирларни белгилаб берди. Олтинчи йўналишда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг хуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам назарда тутиш лозимлиги таъкидланди.

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида, яъни маъмурий ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан апрель ойида "Маъмурий ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш" мавзусидаги илмий-амалий конференция ўтказиш белгиланган. Ушбу конференцияда маъмурий ишларни кўриш механизмининг такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш ва Бош прокурорнинг қонун ижодкорлиги ташаббуси асосида парламентга тақдим этиш масаласи назарда тутилган.

Қонун ижодкорлиги ташаббускорлигини такомиллаштириш, бу борадаги хорижий давлатлар амалиётини ўрганиш ва ижобий томонлари билан таҳрибат алмашиш республикамизни ҳар томонлама хуқуқий ривожлантиришга хизмат қилади.

Воёга етмаганлар ва ёшларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш — муҳим вазифа

Мустақиллик йилларида инсон хуқуқлари соҳасининг ажралмас қисми — бола хуқуқларини таъминлаш ва қафолатлашга самарали ишлар амалга оширилди. Бунда ювенал амия, яъни воёга етмаганлар хуқуқлари бўйича қонунчилик ва давлат органларининг фаолияти тизими яратилди ҳамда бу борада муайян ислохотлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз ўзининг келажаги бўлган ёшларга истиқлолнинг илк йиллариданоқ гамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинмасдан аввал, яъни 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани бунга яққол далил бўла олади. Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ушбу қонун орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деяр эътироф этади.

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, жамиятнинг ажралмас бўғини бўлган оилага доир энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIV боби нормалари орқали тартибга солингани миллий хуқуқий тизимимизнинг ўзига хослигидан далолат беради. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳам воёга етмаганлар хуқуқлари соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг IV бўлими оилада воёга етмаганларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари асосларини белгилаб берди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган

тантанали маросимда 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганларидан сўнг, ишлаб чиқилган Давлат дастурида, энг аввало, мавжуд хуқуқий базага замон талабларига мос равишда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, зарур бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги хуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши лозимлиги тўғрисида ўринли тақлифларни билдирган эдилар. Ўтган 2010 йил мобайнида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, соҳага оид хуқуқий база такомиллаштирилди. "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва "Реклама тўғрисида"ги Қонунга ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

Отабек АЗИМОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази
етачи мутахассиси
Ботиржон ҚОСИМОВ,
ТИУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси

1781-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунининг қабул қилиниши шулар жумласидандир. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши натижасида жойларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсирлари таҳдидидан муҳофаза қилиш, воёга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада оширишди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Жорий йилнинг 12 февраль куни Тошкент шаҳар прокурори М.Обидов раҳбарлигида шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда диний экстремистик оқимларга мансуб ва мойил бўлган ҳамда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактика тадбирлар ўтказилиши муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ушбу масалада муайян ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилиши билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

А.КАМИЛОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Масъул ходимлардан ёшларнинг ҳамда етарли диний билимга эга бўлмаган аҳоли қатламларининг диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, жиноят қилганлар профилактикаси тадбирларига жиддий эътибор қаратиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ғояларининг аҳоли ўртасида тарқалиши олдини олиш, кенг оммага ушбу оқимларнинг асл қиёфаси ва мақсадларини тушунтириш фаолиятини янада жадаллаштириш талаб қилинди.

Йиғилиш якунида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Прокуратура бош бўлди

Марғилон шаҳри аҳоли анча зич жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Иجتимоий-иқтисодий муаммолар ҳам шунга яраша. Шундан ҳам кўриниб турибдики, аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудда анчайин долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу босис, бу ерда янги иш ўринларини яратиб масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Яқинда шаҳар прокуратураси томонидан "Маҳалла" хайрия жамғармаси шаҳар бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда шаҳар марказида жойлашган Увайсий номли кинотеатр фойесида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

54 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 500 га яқин фуқаролар ташир буюрган ушбу тадбирда, шаҳарда фаолият кўрсатаётган 37 та корхона ва ташкилот, муассасалар, қўша корхоналар ҳамда хусусий ишлаб чиқариш фирмалари ўзларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Унда 64 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинди, 41 нафарига шу ернинг ўзида танлаган ишлари бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 123 нафар фуқарога малакали ҳуқуқшунослар ва мутахассислар томонидан меҳнат қончилигига оид маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Тадбирда шунингдек, корхона ва

Мухаммаджон МАХМУДОВ,
Меҳнат фахрийси

ташкilotлар ҳамда ҳунарманд, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намуналари ҳам намойиш этилди.

— Ҳудудимизда жойлашган банк коллежи битирувчиларидан 10 нафари меҳнат байрамида корхона ва ташкилотларга ҳисобчи вазифасига ишга жойлашди, — дейди "Терактаги" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Фозилов. — Бундай тадбирларнинг ўтказиб турилиши фуқаролар учун қулайлик яратди. Ишга жойлашиш учун тадбирга келганларнинг ақсарият қисми "Водий мелика барокат", "Оршахтекс", "Спентекс", "Барс" корхоналари билан меҳнат шартномалари имзолашди.

Тадбирда шаҳар маданият ва спорт бўлими марказий маданий уйининг ҳуш-воз хонандалари ўз дастурларини намойиш этишди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Амалга оширилган ушбу ислохотларнинг самарадорлиги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасида қонунларнинг ижроси устидан назорат этиш ваколати прокуратура органларига юклатилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган назорат фаолияти доирасида прокуратура органлари томонидан самовий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фермерлар ҳуқуқни ҳимояланмоқда

Мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорликни таъминлашда фермерларимизнинг ҳиссалари катта. Жумладан, хоразмлик фермерлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда давлат буюртмаларини удалаб, эл-юрт дастурхонининг тўкин бўлишига ўз улушларини қўшиб келмоқдалар.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бора-салаби бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили 13 гектар ер майдони, 15,5 тонна минерал ўғит, 15,4 тонна нефт, 2,1 тонна уруғлик чигит, 1,3 тонна уруғлик бугдой, 4,6 тонна омухта ем, 11 дона техника, 55 миллион сўмлик кредит, 1,6 миллион сўмлик иш ҳақи олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, прокуратура идоралари фермер ҳўжаликлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини қўллаб келмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига Урганч туманидаги "Фотима" фермер ҳўжалиги раҳбари Э.Машариповдан шикоят ариза келиб тушди. Ариза муаллифи ҳўжаликнинг ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилганлигидан норозилигини билдирган.

Ўз вақтида ушбу шикоят ариза асо-

Сухроб НАЗАРОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

сида мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, "Чондирикёт" қишлоқ фуқаролар йиғини тавсияномаси ҳамда фермер ҳўжаликлари тасарруфидоғи ер участкалари ҳажмларини мақбуллаш масалалари бўйича туман ҳокимлиги махсус комиссияси ҳулосаси асос қилиниб, туман ҳокимининг қарорига асосан "Фотима" фермер ҳўжалигига қарашли 10,4 гектар ер майдонининг 9,6 гектари захира фондида қайтарилган. Текширишда ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддасига зид деб топилди.

Устига-устак, ушбу ер майдони танлов ўтказилмасдан қорвачилик йўналишида фаолият кўрсатувчи "Саъдулла Қурбон" фермер ҳўжалигига 41 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. Бу билан юқоридоғи қонуннинг 11-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди, туман ҳокимининг 2009 йил 12 декабрдаги 704/1-сонли ҳамда 2009 йил 15 декабрдаги 89/1-сонли қарорларини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди. Протестлар кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — муҳим вазифа

/Давоми.
Бошланиш 5-бетда/

2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бевосита рўбга чиқариш борасида қонунчилик соҳасида амалга оширилган ишларнинг энг катта маҳсули 2010 йил 29 сентябрда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бўлди. Мазкур қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ҳозирги таҳликали ва шиддат билан ривожланиб бораётган замонда, бизнингча, ҳуқуқбузарликлар содир этилиб бўлгач, уларга жазо тайинлашнинг илмий ва амалий муаммоларидан кўра, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси муаммоларига жиддий эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, айтиб профилактика чоралари орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, давлат ва жамият манфаатларига путур етмайди. Юқорида қайд этилган қонун вояга етмаганлар ўртасида нафақат ҳуқуқбузарлик-

ларнинг, шунингдек, улар ўртасидаги назоратсизликнинг ҳам профилактикасини назарда тутиши билан аҳамиятлидир. Негаки, назоратсизлик беғамлик, дея аталмиш маънавий иллатнинг шундай натижасики, унинг оқибатида маънавий қашшоқлик, инсоният тарихида қора доғларни қолдиришга сабаб бўлувчи жиноятлар келиб чиқиши мумкин. Бу борада ЮНИСЕФ ташкилоти маълумотларини келтириш мумкин. Уларга кўра, дунё миқёсида тахминан 100 млн. бола қаровсиз, яъни кўчада тиричилик қилади ва кўчада яшайди, 100 млн. бола мактабга бормайди, уларнинг 53 фоизи қизлардир. 1990-2000 йилларда 2 млн. бола қуроли мижазлар оқибатида ҳалок бўлди, улардан 6 млн.и яраланди ёки ногирон бўлиб қолди. 300 млн. бола мазкур мижазларга аскар сифатида жалб этилди. 11 млн бола қочоқ бўлиб, ҳар йили 15 ёшгача бўлган 40 млн. бола оиладаги тажовуз ёки зўрликнинг ёхуд ота-онасининг охир-оқибат болага тиббий ёрдам кўрсатилишигача олиб келадиган безъитборлиги қурбони бўлади. Ҳар йили 2 млн.гача бола ёки аёллар одам савдоси жиноятининг жабранувчиси айланади, ҳар йили дунёда деярли 4 млн. ёшлар ўз жонига

қасд қилишга уриниб кўришади ва улардан 100 миң нафари вафот этади.

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бир қатор ўзига хос муайян ҳуқуқий хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳозирги ҳуқуқий назария ва амалиёт айти ушбу мазмундаги қонуннинг фақат Ўзбекистонда қабул қилинганлигини кўрсатмоқда. Иккинчидан, мазкур қонун вояга етмаганлар ўртасида ҳам ҳуқуқбузарлик, ҳам назоратсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Учинчидан, соҳа ҳуқуқшунослари ўртасида баҳс-талаш масалаларга чек қўйилди. Чунки, қонуннинг умумий қондаларидан жой олган асосий тушунчаларда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги терминларнинг аниқ ифодаси ва шарҳи бериб ўтилган. Тўртинчидан, қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги асос бўлувчи ва бунда риоя қилиниши шарт бўлган принциплар мустаҳкамланган. Мазкур принциплар ичида "оилани қўллаб-қувватлаш

ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш" принципининг ўрин олгани, қонунда ўзбек халқи менталитетига хос хусусиятларга жиддий эътибор қаратилганидан далолат беради. Бешичидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида ваколатли органлар тизими белгиланиб, уларнинг бу соҳадаги ваколатлари аниқ белгиланиб қўйилди. Бу эса мазкур органларнинг вояга етмаганлар масалаларида ўз маъмулиятларини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг таъминланishiга хизмат қилади. Олтинчидан, қонунда амалиётда учраб турадиган муайян муаммолар масалаларининг ҳам ҳуқуқий ечими ўз ифодасини топан. Жумладан, қонуннинг 7-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ўрини босувчи шахсларнинг иштироки масалаларига тўхталиб ўтилган. Еттинчидан, қонун нафақат ўзида моддий нормаларни, балки, процессуал нормаларни ҳам қамраб олади. Процессуал муддатларнинг аниқ ва мукаммал белгиланиб қўйилгани қонуннинг моддий нормаларининг амалга ошиш механизминини кучайтириш билан

бирга ваколатли органлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Саккинчида, вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш судга илтимоснома киритиш йўли билан амалга оширилиши белгиланди. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш масалалари давлат ҳокимиятининг фақат мустақил суд тармоғи амалга оширилганини оид судлов йўли билан ҳал этилиши бу борада алоқалар ва қонунчиликка эришишга олиб келади.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, мамлакатимизда вояга етмаганларга доир қонунчиликнинг тобора такомиллаштириб бораётганлиги юртимизда жисмоний ва маънавий етуқ авлоднинг шаклланиши ва имкониятларини рўбга чиқариши, болаларнинг ижтимоий шаклланиши ва қамол топиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фуқаро манфаатлари ҳимояси — асосий вазифамиздир

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Албатта, ҳар қандай ҳолат бўйича бир тўхтама келишдан олдин бунга муайян асос ва сабаблар борлигига амин бўлиш керак. Ҳар бир тўхтаминг асоси ва сабаби қонун талабларига тўла мос бўлиши шарт. Бош прокуратура томонидан мазкур иш атрофида ўрганиб чиқилганда, уни қайтадан кўриб чиқиш ва шу боис иш юзасидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш лозимлиги аниқланди. Чунки, иш ҳужжатларидан кўринишича, Р.Жаббарова ва А.Жаббаровлар қонуний никоҳда бўлиб, биргаликдаги турмушларидан икки вояга етмаган фарзандлари бор.

Улар яшаб келаётган низоли уйнинг ярми 1996 йил 30 декабрдаги нотариал тасдиқланган алмаштириш шартномасига асосан ўзларига тегишли бўлган. Орадан ўн йилча вақт ўтгач, хонадон эгаси А.Жаббаров ушбу уйни Г.Камалдиновга сотган. Қонун бўйича, никоҳ давомида ортақликдан берилган мол-мулклар умумий мулк саналади. Шу боис, бу каби мол-мулклар тақдирини ҳал этишда, яъни олди-сотди, ҳада ва бошқа шу каби ҳолатлар билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштиришда эр ва хотиннинг розилиги талаб этилади. Тилга олинаётган ҳолатда ҳам уйнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштирилишида А.Жаббаровнинг турмуш ўртоғи Р.Жаббарова ёзма равишда розилик берган. Аммо, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ва аниқланган ҳолатларга кўра, ушбу битим тузилишида жавобгар Р.Жаббарова алданган оқибатда уйнинг сотилишига розилик берган.

ФКнинг 123-моддасида алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келиши таъсирини таъсирини битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши тўғрисидаги қонуннинг шартлари билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даввоси бўйича суд томонидан ҳаққий эмас деб топилгани мумкин. Агар битим юқорида кўрсатилган асослардан бирига кўра ҳаққий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қай-

тариб бериши керак, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса, унинг қийматини пул билан тўлаши керак, деб кўрсатилган.

А.Жаббаров 2004 йилнинг ноябрь ойидан низоли уйдан кетиб, бошқа аёл билан эр-хотинлик муносабатларида унинг уйда яшаб келган.

Фуқаро Н.Ахунходжаева ва Х.Тошмухамедовларнинг судга тақдим этган аризаларида А.Жаббаров Г.Камалдиновдан қарзи борлигини, уни қайтармасга жавобгарликка тортилиши мумкинлигини Р.Жаббаровага айтиб, кўрқитиб, у билан эндиликда бирга яшашини ва бунга уни ишонтириб, шу тарихда алдов ва кўрқитув йўли билан низоли уйнинг сотилишига розилигини олишганини Р.Жаббаровдан эшитганликларини билдирганлар.

Р.Жаббарова эса, ўз эътирозларида низоли хонадондан бошқа уй-жой йўқлигини, уй-жойни сотиш нияти бўлмаганлигини, қайнотасининг уйда ҳам унинг яшashi учун ҳеч қандай шарт йўқлигини, А.Жаббаров оиласини кўчириб олиб бориш учун бошқа уй-жой сотиб олмаганлигини, оиллага ҳам қайтмаганлигини кўрсатган.

Қизиғи шундаки, А.Жаббаров бошқа аёл билан яшаб келаётган хонадон ҳам аслида Турсунвалар оиласига тегишли бўлиб, бу хонадонни ҳам А.Жаббаров нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан сотган.

Мазкур хонадон жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Ғуломов ва хотин-қизлар кенгаши раиси Л.Иссабаева томонидан берилган маълумотномада айтилишича, А.Жаббаров у билан яшаётган аёлни вақтинча яшашга қўйганини, уни кўчиришда ва уйни сотишда ёрдам беришларини сўраган. Шу билан бирга, у бу аёл билан алоқасини узишни айтганидан кейин А.Жаббаровни ўз оиласи билан яраштириб қўйишган. Бу ҳолатлар судда сўралган Р.Жаббаровнинг отаси М.Александровнинг кўрсатмаси билан ҳам тасдиқланган.

Бундан ташқари, низоли турар жойни сотиб олган Ш.Абдувоҳидов А.Жаббаровнинг

яқин ўртоғи эканлиги гувоҳлар томонидан тасдиқланган. Низоли уйнинг олди-сотди шартномаси А.Жаббаров бўлиши Ш.Абдувоҳидовга қарзини қайтарганига қадар тузилганлиги, Р.Жаббаровани мазкур олди-сотди шартномасига алдов ҳамда кўрқитиш йўли билан имзо кўйдиршишгани иш ҳужжатларида тўпаланган далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг "Суд амалиётида битимнинг тартибига солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вуҷудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги Қарорининг 6-бандига асосан битимнинг ҳаққий эмаслигига асос унинг ноқонунийлигидир.

Шартномани бекор қилиш у амалда бўлган вақтдаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга талаллиқдир.

Бундай ҳолда суд, Р.Жаббаровага даъво предметини, яъни моддий ҳуқуқ талабини ўзгартириш ва олди-сотди шартномасини ҳаққий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилиш ҳақида тушунтириш лозим эди. Чунки, фуқаролик процессуал қонун талабларига кўра, судга ўз ташаббуси билан даъво предметини, яъни моддий ҳуқуқ талабини ўзгартириш кўзда тутилмаган.

Баён этилганларга кўра, ишни кўриш давомида шартномани ҳаққий эмас деб топиш ҳақида даъво талаблари мавжуд бўлмасда, ўз ташаббуси билан даъво талабини ўзгартириш чорасини кўрмасдан олди-сотди шартномасининг ҳаққий эмаслигига ҳуқуқий баҳо берилмаган. ФПКнинг 60-моддасига асосан бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний қўлга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишлари кўрилаётганда янгида исбот қилмаслиги белгиланган. Бу билан Р.Жаббарованинг келажакда олди-сотди шартномасини ҳаққий эмас деб топиш ҳақида даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, Р.Жаббаровани вояга етмаган фарзандлари билан турар жойдан кўчириш ва турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарор қабул қилишда, Р.Жаббарова низоли уйда яшамаслигини, яъни бу уйда айна пайтда фуқаро А.Тошмухамедов оиласи билан яшаб келаётганлигини инобатга олмасдан Р.Жаббарованинг оила аъзолари билан уйдан кўчиришни кўрсатиб, Ш.Абдурахмоновнинг даъво талабини қисман қаноатлантириб, нотўғри хулосага келинган.

Шунингдек, иш Р.Жаббарованинг фойдасига ҳал этилиб, низоли уй уларга қайтарилгандан сўнг уй 2008 йили фуқаро А.Тошмухамедовга сотилган. Бу ҳақда Р.Жаббарова ишни судда кўрилишида баён этган бўлса-да, лекин бу вақтлар суднинг эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 229-моддаси 1-қисмига асосан, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи бунга билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ёхуд уларнинг ихтиёридан ташқари бошқа аёл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 314-моддаси 2-қисмига асосан иш суд муҳоама-сида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган деб ҳисобланади ва суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибда бекор қилишга асос бўлади.

ФПКнинг 15-моддасида, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳаққий ҳола-

Ботир НОРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

тини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслигини оқибатлари тўғрисида оғохлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 3,4-бандларига асосан, суднинг ҳал қилув қароридан баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суднинг қарорини назорат тартибда бекор қилишга асос бўлиши белгиланган. Ана шуларга асосланган ҳолда Бош прокуратура томонидан Республика Олий судига киритилган протест қаноатлантирилиб, иш юзасидан қонун талабларига мос бўлган қарор қабул қилинишига эришилди.

Ҳаёт ҳар доим ҳам бирдек кечавермайди. А.Жаббаровнинг ҳаётида содир бўлган бу воқеалар унинг учун, албатта, катта сабоқ бўлган бўлса ажаб эмас. Чунки у ҳам ҳаётида бир адашди-ю, яна бир айланиб ўз изига тушиб олди. Бу эса, ҳаёт синовидир. Унинг синовларидан хулоса чиқариб, тўғри йўлни танлаш ҳар доим ҳам ўринлидир. Қолаверса, ҳар бир жамиятда қонуннинг устуворлиги шу жамият тараққиётининг гаровидир. Уни барча билиши ва унга бирдек амал қилиши даркор.

Бу каби нормалар бузилган тақдирда, уни тиклаш учун адолатпарвар жамиятнинг адолатли судига мурожаат этилади. Жамият аъзоларининг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирidir.

Чироқчи туман ҳокимлигининг мажлислар залда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш — давр талаби" мавзусидаги учрашув бўлиб ўтди.

Унда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти вилоят бошқармаси, вилоят Марказий банки, вилоят Давлат солиқ ва монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ва бошқа вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари, туман прокуратураси, туман ИИБ ва ДСИ бошқалари, жиноят ишлари бўйича туман суди раиси ва суд ижроичилари, тумандаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, депутатлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, фермер ҳўжаликлари раислари ва матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят прокурори

Тадбиркорлик фаолияти — қонун ҳимоясида

Х.Турдибоев кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

— Бугунги кунда истеъмолга кириб келган "қишлоқ мулкдори", "фермер", "ишбилармон" сўзларининг кенг қўлланилаётганлиги ҳеч кимни ҳайратга солмайди. — деди Х.Турдибоев кириш сўзида. — Мамакатимиз мустақиллигини кўлга киритгач, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг таянқ нуқталаридан бири бўлган қишлоқдаги мулкчилик шакллари, фермерлик ҳаракатини кенг миқёсда жорий этиш мақсадида қўллаб қўнунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бугун мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий тамойили ҳам, жамиятимизнинг устувор йўналиши ҳам, мақсади ҳам ҳар бир фуқаронинг бугунги ва эртаси ҳақида қайғуришдан ибод-

ратдир. Биз прокуратура ходимларининг мақсади ҳам шу. Шундай экан, келингллар, очиқ мулоқот қилайлик, агар тортинсангиз, истиҳола қилсангиз саволингизни ёзма равишда беринг, вилоят ва туман прокуратураларида ишонч телефонлари ишлаб турибди (телефон рақамларини эълон қилди), шу телефонларга кўнгирик қилиб, ким сизнинг ишингизга тўсқинлик қилаётгани, тадбиркорлик фаолиятингизга ноқонуний аралашаётгани, кредит бериш ёки рўйхатдан ўтказишни пайсалга солиб, бирон нарса тама қилаётгани ҳақида бизга билдиринг. Биз ўз вақтида тегишли чорасини кўрамиз.

Фуқаролар тадбиркорларга ер ажратишда санаторликлар, электр энергияси сутканинг маълум пайтларидагина (у ҳанг кераксиз пайтда, яъни тунги соат 1:00дан кейин) берилшидан, баъзи раҳбарларнинг тадбиркорларнинг ишига тўғаноқ бўлишаётгани, эрта кел,

индин кел, деб сарсон қилишаётгани ҳақида норозилик билдиришди.

Вилоят Савдо-саноат палатаси бошқаруви раисининг ўринбосари А.Пирназаров, вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Қурбонов, вилоят Электр тармоқлари бошқармаси бошлиғи М.Бўриев ва вилоят ҳокимлиги котибати мудири Ш.Муродовлар учрашувда ўртага ташланган муаммолар ва уларнинг ечимини юзасидан тушунтириш бердилар.

Ҳар бир мурожаат, ҳар бир хат ортда инсон тақдирини, ҳаёти ва келажакни ётади. Ҳар бир шахс эса жамият аъзоси сифатида ўзи яшаётган жамиятдан ўз манфаатлари ҳимоясини, эҳтиёжларини қондиришни талаб қилишга ҳақли.

Жасур ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Сўнгги «парвоз»

Йиллар давомида энгил-елпи ҳаёт кечириб, мўмай даромад топиш орзусида юрган Роза (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) ниҳоят ўзига иш топди. Аммо у толган иш келажакда қандай ташвиш ҳолатиришини тасаввур ҳам қилмас, аксинча, унга сердаромад "иш" топган Ира опадан ниҳоятда миннатдор эди. У Ира опасининг ҳар бир топширини сўзсиз бажариб, унинг "ўнг" қўлига айланишга ҳам улгурди. Опасининг гапи унга "қонун" бўлиб қолганди.

Бир кун келиб, сердаромад ишидан айрилиб қолишни хаёлига ҳам келтирмасди. Назарида ҳозирги иши унга мерос бўлиб қоладигандек туюларди. Ҳаёт учун "ёғ"ли бўлиб қолган ишини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиларди. Ана шу боис Ира опанинг "этаги"дан маҳкам ушлаб, куннинг исталган вақтида унинг йўриғига йўрғалаб юрарди. Оиласи бўлмагани туфайли кунни-кун, тунни-тун демай ишларди.

Ишлари анча юришиб қолган кунлар эди. У ярим тунда уйига кириб келди. Уйига кирди-ю, оёқ кийимини ҳам ечмасдан ўзини диванга отди. Кун давомида турли учрашувлардан чарчаб, диванда гўжанақ бўлганча кийимини билан ухлаб қолди. Бир пайт уй телефони овозидан чўчиб уйғонди-ю, шонганча гўшани кўтарди.

— Алло, ким бу?

— Таксига ўтириб, йигирма дақиқада аэропортга етиб кел!

Телефон гўшагидан жаранглаган буйруқ оҳангидеги овоз Ира опасига тегишли эди.

У опасининг буйруғини сўзсиз бажаришга ўргангани боис дарҳол йўлга тушди. Фира-шира тонг ёриша бошлаганди. Катта йўл ёқасига чиқди-ю, такси тутмоқчи бўлди. Ниҳоят, оқ рангли "Тико" машинасига ўтириб, аэропортга йўл олди. Такси ҳайдовчиси унга гапирмоқчи бўлиб, олд ойнасидан унга қараб кўяётганини ўзи сезиб қолди.

— Адашмасам, бир нима демокчи-сиз?

— Сезгир экансиз. Шундай соҳибжамол сахарлабдан қайси бахтли инсонни кутгани ё кузатгани чиқди экан, деб ўйлашиб қолдим.

Ҳайдовчи бир қарашда соҳибжамол деб атаган жувоннинг гўзаллиги ортида қабоҳат ва разолат зоҳирлигини афсус, билмас эди. Роза ҳайдовчининг соддалигидан фойдаланиб, уни ҳам тузоғига илтирмоқчи бўлди.

— Синглим, бир нарса сўрасам майлими?

— Сўранг. Сўраганинг айби йўқ, дейишди.

— Тушунган қиз экансиз. Сир бўлмаса, турмушга чиққанмисиз?

— Чикқан эдим.

— Нимага "чикқан эдим"?

— Ажрашганман. Ҳазингиз-чи?

— Мен-ку ажрашмаганман. Келиноингизнинг умри қисқа экан...

Муносабатларни пул билан ўлчашга ўрганиб қолган аёл ҳайдовчининг дардини эшитишга тоқат қилмади. Унинг гапини бўлмоқчи бўлди.

— Гап билан бўлиб, келиб қолганимизни билмай қолдимиз. Шу ерда тўхтатиб қўйинг!

— Шошманг! Шунча гаплашиб, исмингизни сўрамабман!

— Роза. Сизнинг исмингиз-чи?

— Сардор. Телефонингизни бера-сизми?...

Қисқа танишувдан сўнг улар телефон рақамларини алмашиб, хайрлашди. Роза машинадан тушган, узокдан бир кишининг шошибди келадиганига кўзи тушди. Узокдан нотаниш кўринган кишини яқинроқ келганида таниди. У Ира опанинг ишонган йигитларидан бири Миша эди.

— Вас Ира Михайловна ждёт! (Сизни Ира Михайловна кутиб турибди!).

— Знаю, знаю. Спасибо за внимание! (Биламан, биламан. Эйтиборингиз учун раҳмат!).

Миша уни аэропортдаги кафе-барга бошлаб борди. Кафе-барнинг ало-



ҳида хоналаридан бирида безатилган дастурхон атрофида ўтирган "ҳамкасб"ларини кўрди. Тўрда Ира опаси савлат тўкиб, қибор билан сигарет чекиб ўтирарди. Роза келган, навбатдаги қабиҳ "иш"нинг режаси тузилиб, ҳар кимнинг вазифаси тақсимланди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, такси ҳайдовчиси Розага кўнғироқ қилди.

— Алло, Розахон! Яхшимисиз?

— Яхшиман!

— Ким бу?

— Овозимдан танимадингизми?

— Гапни айланторманг. Экстрасенс эмасман.

— Сардорман. Ўтган ҳафта сизни аэропортга олиб боргандим. Эсландингизми?

— Ҳа, энди танидим.

— Кўришаск бўладими?

— Бўлади.

— Қачон кўришамиз?

— Бугун соат кечки олтиларда

Фафур Фулом паркиннинг кириш қисмида.

Сардор учрашув белгиланган жойга ўн беш дақиқа олдинроқ келиб турди. Роза чоррахани кесиб ўтаётганда унинг кўзига юлдуздек кўринди. У жувоннинг кўнглини олиш учун уч дона қизил атиргулни унга тақдим этди.

Иккаласи паркка кириб, йўлак четига ўрнатилган ўриндиққа ўтиришди. Жувон қўлидаги гулларнинг ифори димокка келиб турарди. Уларни бир қарашда севишганлар бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди.

Аёл гапни чўзиб ўтирмасдан мақсадга ўтиб кўя қолди.

— Сардор ака, ёш қизлардан топиб беринг. Биз уларни хорижга ишга жойлаштирамиз.

— Нима учун фақат қизлар, йигитлар бўлмайдими? Қизларни қаердан оламан?

— Танишлар, қариндошлар орасидан ҳам топилайдими?

— Ўзи қанақа иш?

— Ҳар хил ишлар бор. Ишламоқчи бўлган қизларнинг ўзи танаб олади.

— Суриштириб кўраман. Ҳазимиз хақимизда гаплашайлик.

Роза сўхбатдошидан "фойда" кўрмаслигини сезиб, гапини қисқарақ қилди. Бир пайт қўл телефони жиринглаб қолди. Телефондаги сўхбатдан сўнг унинг чехрасида табасум пайдо бўлди. У ўша захоти Сардорга муҳим иши чиқиб қолганини айтиб хайрлашди.

Одамлардан пуллик манфаат кўзлашга одатланиб қолганидан у кўпчиликни назарига олмай қўйган эди. Унинг барча учрашувлари дярляй катта даромад олинишига асос бўлар-

Акмал ТУРСУНОВ,
Тошкент авиация транспорт прокурори
Гули ХОЖИБОЕВА,
"Huquq"



ди. "Ҳамкасб"ига айланиб қолган Маша ҳам уни одатдагидек янги мижоз билан кутиб олди.

— Танишинглар, бу қизнинг исми Альбина. Бу киши эса раҳбаримизнинг ўринбосари Роза опа, — деди Маша уларни таништириб.

— Иш билан танишингизми? — сўради Роза.

— Қисман билиб олдим.

— Кейинчалик даъво қилмайсизми?

— Турмушга чиқиб, ажрашганман. Қозогистонда ҳам ишлаб келганман.

— Қозогистонда яхши пул тўлашмадими?

— Хорижда кўпроқ тўлашди деб эшитганман. Ёшлиқда ишлаб қолмасам, қачон ишлайман...

Альбина уларнинг шартига рози бўлиб, виза учун паспортини ҳам бериб қўйди. Ови юришган овчидек, Роза узоси Ира Михайловнага ҳисобот берди. Хужжатлар тайёр бўлган Альбина Сайфулинали чақиртиришди.

— Хужжатлар тайёр бўлди. Сиз учун Дубайдан таклифнома келди. У ердаги ходимларимиз сизни аэропортда кутиб олишади. Бишкекдан кузатиб қўямиз.

— Нима учун Бишкекдан кетаман?

— Саволни биз берамиз. Сиз ижро этасиз. Ортиқча саволларни ёқтирмайман, — деди дадил оҳангда Ира Михайловна.

Янги мижозни Роза ўзи билан Бишкекка олиб кетди. Уша ердан уни самолётга ўтказиб Дубайга юборишди. Дубай аэропортда уни нотаниш кимсалар кутиб олди. Аэропортда унга қўрсатилган эҳтиромдан у ўзини маликалардек ҳис қилди. Аввалига уни исловохонада ишлатишди. Бир ой ўтиб у маошини сўраганида унга 21000 АҚШ доллар миқдоридики қарзи борлигини айтишди. Кейинчалик бу "эҳтиром" унга жуда қимматга тушганини аниглаб етди.

2010 йилнинг январиди у барча қарзларидан қутулиб, Тошкентга қайтиб келди. "Кўр ҳассасини бир марта йўқотди" дейишади. Аммо Альбина алданганидан хулоса чиқармади. У Дубайдан келди-ю, уни қурбон қилган аёллар билан яна топишиб олди. Энди уни Кипрга юборишди. Бир ҳафтадан сўнг у Кипрдан қайтиб келди-ю, Ҳиндистонга кетишга тайёрланди. Нафс гирдобига йўлиққан Ира Михайловна ва Роза Ҳафизова Альбинадан тамагирилик йўли билан пул ундиришдан чарчасмасди. Улар ишончли "ўлжаси"нинг хужжатларини тайёрлаб, уни Ҳиндистонга эмас Хитой давлатига жўнатмоқчи бўлишди.

Қаҳратон қиш кунлари эди. 2010 йилнинг 29 январь кунни Альбина Сайфулиналига кўнғироқ бўлиб, унинг хорижга жўнаши учун чипталари тайёр бўлганини айтишди. У одатдагидек тайёр бўлган хужжат ва йўл чиптасини олмоқчи бўлиб "устоз" опаларининг олдига келди. Қўлига йўл чиптасини олиб, ёзувларига синчковлик билан қараганида яна алданганини билди.

— Нима учун билетни Ҳиндистонга эмас Хитойга олгансизлар? Ҳар сафар бир давлатни айтиб, кейин бошқа давлатга жўнатиб юборасизлар.

— Альбиночка, асабийлашма. Ҳазимизнинг бос. Ҳиндистондан таклифнома келмапти. Лекин Хитойнинг Урумчи шаҳридан махсус таклифнома келди. Хавотир олма, у ерда ҳам яхшигина пул оласан.

— Хитойга бормайман. Тамом... — деди-ю, қўлини силтаганча кетиб қолди. "Шошма, гапга қўлоқ солсангчи", деган овозлар ортидан эшитилиб турди.

Қармоқдан балиғи чиқиб кетган балиқчилардек, аёллар бир-бирига қараб қолишди.

— Толган қизнинг эсини емаганми? Унга билет олиб, тайёр ишга раҳмат-таёганимиз учун бизга айтган жаҳмат-шуми? — деди хайратланиб Ира Михайловна.

— Опажоним, асабийлашманг. Уни ўзим йўлга соламан. Ахир у бизга яхшигина даромад келтириб турибди. Унга сарфланган 800 АҚШ доллари ва навбатдаги даромадимизнинг хавага учиб кетишига йўл қўймайман. Шогирдингизга ишонсангиз бўлди, — деди катъий ишонч билан Роза Ҳафизова.

30 январга олинган авиачипта "ўлжа"нинг қайсарлиги билан бошқа кунга қолдирилди. Вақтни бой бермаслик учун Роза "ўлжаси"нинг уйига борди. Альбина совуқчи саломлашиб, уни ичкарига таклиф қилди.

Салом-алиқдан сўнг меҳмон насиҳат қилишга тушди:

— Қайсарлик қилма, биз уларга ваъда берганмиз. Улар сени кутди. Ақлингни йиғиб ол, ўзинга яраша қарьера қилиб турибсан. Порлоқ келажинг бор. Бошқа қизларнинг сенга ҳаваси келади. Ҳаммага ҳам дунёни кезиб насиб қилмайди. Баъзилар ўзининг туғилган жойидан бошқа шаҳарни кўрмай армонда ўтиб кетади. Ҳиндистондан фахрланмайсанми, аҳмоқ!

— Ҳар сафар Бишкекдан жўнатиб келди! Бу сафар ҳам шундай бўладими?

Насиҳатининг зоё кетмаётганини сезиб, меҳмон овозини майинлаштирди:

— Вой, ақли сингилжоним-ей! Бекорга сени мақтамдан-да! Кўнглинг тўқ бўлсин, бу гап Тошкент аэропортдан кузатиб қўяман.

Меҳмон ўз насиҳати ва тазийқи остида "ўлжа"нинг розилигини олди. 22 февраль кунини жиний гурӯҳ аъзолари ўз режаларининг яқунловчи қисмини ижро этиш мақсадида Альбина Сайфулинали Тошкент аэропортга кузатиб чиқиди. Аэропортга келиб назоратдан ўтишадиганида бутун иш чаппасига айланиб кетди. Аниқроғи, Розанинг майор режасига қонун посбонлари тўсиқ қўйишди. Хуқуқни муҳофиза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида жиний гурӯҳнинг барча аъзолари қўлга олинди.

Одам савдосидай жирканч қилмишга қўл урган, инсон шаънини топтаган кимсаларнинг қилмишлари фош этилди. Ира Михайловна ва Роза Ҳафизовалар юқориди қайд этилган жиний ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг "д", "е", "з" ва "и" бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этишгани эътироф этилиб, суд ҳукми билан уларга тегишли жазага тайинланди.

Айбдорлар ўз жазосини олди, албатта. Лекин кишини ўйлантирадиган хижати шундаки, ўз юртимизда ишлаш учун етарли шарт-шароитлар бўла туриб, сароблар орзусида хорижга интилаётганлар ҳамон учраб турибди. Саробга алданиб, Ира ва Роза каби фибригарларнинг домига илиниб қолаётган ёшларимиз, қизларимиз борлиги кишини ташвишлантиради. Уларни яна бир қарра оғоҳ ва хушёр бўлишга чақирамиз...

ОДАМИЙЛИККА ЗИД ҚИЛМИШ

Қонунларимиз инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Бу ҳолат жиноий жазоларнинг либераллаштирилишида ҳам аққол кўзга ташланади. Биринчи бор ўта оғир ёки оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганларида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога тортилмақдалар. Қолаверса, Олий Мажлис Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарорига биноан турли жиноят содир этиб, иши суғга оширилган, тергов қилинаётган айбланувчилар афв этилмоқда, жазони ўтаётган маҳкумларнинг жазо муддатлари эса қисқартирилмоқда. Қилмишдан тегишли хулоса чиқарган, пушаймон бўлган шахсларга тузалмиш имкониятлари ҳавола этилмоқда.



кўраман. Паспортигини беринг. Иш бўлса, ҳужжатларини ўзим тўғрилаб, сизни ҳам ўзим жўнатаман.

Орадан бир неча кун ўтиб, Махлиё Озодага ҳужжатларни расмийлаштираётгани, уч-тўрт кунда жўнаши ҳақидаги хабарни етказди.

— Ҳужжат қилдириш осон эмас. Сарфлаган пулларимни ишлаб тўлайсиз. Розимисиз?

— Майли-ю, уйдагилар, онам кўнармикин Арабистонда ишлашимга...

— Онангиз билан ўзим гаплашаман. Қанча одамлар Россияда ишлашяпти. Сизияни Россияда ишлаб келади, десам, кўнади.

Дарҳақиқат, Озоданинг онаси қизининг Россияда ишлаб келишига монелик қилмади. Махлиё Озодани Тошкент вилоятига олиб бориб, чегарадан Қозоғистонга олиб ўтди. Сўнгра Қирғизистонга борадиган автобусқа чиқарди.

— Мана ҳужжатлар, мана самолётнинг билети, йўлга етарли пул. Самолётда Амирикка учиб борасиз. Мен айтган одам кутиб олади сизни. Ишга жойлаб кўяди. Кейин ортингиздан ўзим ҳам етиб бораман.

Махлиё ваъда қилганидай, бир ойдан кейин етиб борди. Фохишоналарнинг биридан Озодани топди-ю, хизмат ҳақини тўлашни талаб қилди.

— Чиқариб олинг мени бу ердан, бунақа иш керак эмас, — дея зорланган Озоданинг ёлворишларига қулоқ ҳам солмади. Қўшмачи араб-Мухаммад билан келишиб, яна шундай, "официантликка орзумандлар"дан жўнатиб туршига сўз берди. Бирок...

— Мени полиция ушлаб олиб, Ўзбекистонда депортация қилди, — дейди судланувчи. — Тошкент шаҳар Сирғали туман суди менга шартли жазо тайинлади.

Махлиё бу муруватдан тескари хулоса чиқарди. Узица "нима қилсам қилавераман, жазоси шу бўлса", дея суд залидан чиқибок яна жиноятга қўл урди. Марғилонга қайтаётиб, йўлда танишиб қолган Мария Комарова исмли аёлнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Амирикларда машоши катта бўлган ресторонга официантликка ишга жойлаб

Дилшод КАРИМОВ,
Қўштепа туман прокурорининг
ёрдамчиси
Исроил ИБРОХИМОВ,
"Huquq"

кўяжагини ваъда қилиб, унинг паспортини олди. "Ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўл харажатларини ишлаб тўлайсиз" деб унинг ҳам кўнглини хотиржам қилди. Янги Марғилон шаҳарчасида танишган Муниса Холжўзаева ҳам қўшмачи аёл тасвирлаган "жаннатмакон"га бориб ишлаб истагида паспортини унга ишониб топширди.

Айни ўша кунларда тутқунликдаги Озода бир амаллаб бировнинг қўл телефонида онасига қўнғироқ қилишга муваффақ бўлди.

— Мен Арабистондаман. Махлиё опа сотган одам мени фохишалikka мажбурлади. Бу жаҳаннамдан чиқариб олинг мени, аяжон, — дея қўш ёши тўкди.

Онахон ҳуқуқ-тартибот органларига учради. Махлиё Озодатовага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бу хабарни эшитган Мария билан Муниса терговчига учраб, кўрсатма бериб, паспортларини Махлиёдан қайтариб олиб беришни сўрашди.

Суд мажлисида Махлиё Холматованинг жиноий қилмиши ўзининг топди. Узица "яна бир шартли жазо тайинлашадим-да" дея хомтама бўлган судланувчи бу сафар муқаддам тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари, ундан аввалги суд ҳукмида тайинланган 186 300 сўм миқдордаги жарима ҳам ундириладиган бўлди.

Турмуш ўртоғига хиёнат қилиб, оиласидан ажралганидан кейин ҳам фаҳш йўлидан қайтмаган, бошқаларни ҳам фохишалikka ундаб, қўшмачилик билан суғулланган, аёлларни алдаб, хорижга сотиб юборишдан ҳам тап тормаган тубан кимсани одам дейишга тил бормайди. Тўрт йил — одамийликка зид қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳаётининг қолган қисмини халолликда ўтказиши борасида бир қарорга келиш учун етарли муддат бўлса керак.

...У чинқириб сойга қулади. Дилмурод симни суван тортиб олиди. Кейин сув сатҳида чалқанча ётган болани тортиб чиқарётган Умидага қарашиб юборди. Иккалasi қирғоққа ҳушсиз ётган болани уқалаб, нафас олдиришга уринишди. Балчиққа белашми. Бефойда. Дилмурод уни елкасига орқалаб сой соҳилидан тепаликка қараб юрди. Воқеадан хабар толган отаси етиб келди. Ҳушсиз болани ерга ётқизишди. Тагин сунъий нафас олдиришга ҳаракат қилишди. Ўзгартиш бўлмагач "тез ёрдам" чақирди. Вақтни бой беришни истамаган отаси бешуш ўғлини машинасига ётқизиб, шифохонага жўнади. Йўлда "Тез ёрдам"га рўпара келиб тўхтади. Врачнинг муолажалари бесамар кетди.

Овдаги фожиа

Сақкиз йил аввал Убайдулла аканинг хотини касалга чалинди. Олиб бормаган шифохонаси, кўрсатмаган врач қолмади. Тақдир экан, Убайдулла етти қиз ва бир ўғли билан қолди. Фарзандлари ҳали ёш, уларга қарайдиган она зарурлигидан Убайдулла қувалик Екутхонга уйланди. Аёлнинг биринчи турмушидан бир қизи ва ўғли бор эди. Қизини ота-онасининг тарбиясига бериб, етти яшар ўғли Мухриддинни Тошлоқ туманининг Жарқишлоғига, янги оиласига бошлаб келди. Убайдулла Мухриддинни ажратмас, ўз фарзандидай қўраб, ака-сингиллари ҳам ўғайлигини билантиришмасди. Мухриддин ўқишдан бўш пайтлари рўзгор юмушларига қарашарди. Сўнги пайтларда мол-қўйларни қўриқ далага ёки Қоровулсой қирғоқларига олиб чиқиб ўтлатиб юришга одатланганди.

Баҳор охирилаётган кезлар. Мухриддин соат иккиларда мактабдан қайтди. Опа-сингиллари билан овқатланди. Соат учларда дадасига мен молни боқиб келаман, деб чиқиб кетди. Ер фермерларга бўлиб берилганидан кейин далада мол боқиб мушук бўлиб қолган, йўл бўйи, тулар орасидаги ариқ бўйларидагина ўтлатиш мумкин эди.

Катта анҳор — Қоровулсой қирғоқлари кўм-кўк майсаларга бурканган, болалар мол-қўйларини анҳор бўйида боқиб қўриқтирданди. Мухриддин уларга қўшилди. Қирғоқдан юқорироқда, янги ҳўжаликлардаги битмаган уйлاردан бирида ҳамқишлоқлари уйма-шайлаётган, симёғочдаги электрга сим улаб Қоровулсой қирғоғига тортишаётганди. Мухриддин қизикиб томоша қилди. Умид билан Дилмурод ака тоққа уланган симларни сувга тикиб тортиб ола бошлади. Ток урган балиқлар сув бетига қалқиб чиқди. Умид ака билан Дилмурод ака уларни териб, йирикларини қирғоқдаги челақларига, майда-чўйдларини қайтиб сойга ташлашаверди. Балиқ ови қизиганда овчилардан бири Мухриддинни чақирди.

— Ҳов анави жойни қарачи, сим нимагадир илашиб қолганга ўхшайди. Успириш соҳилга югуриб борди. Симни тортиб олмақчи бўлди-ю... "а-а-а" дея чинқириб юборди. Умид ўлжадан бошини кўтариб қараса, Мухриддин сув бетига ётибди...

Жарқишлоқдаги Убайдулло Шамсиевнинг уйига ИИБ ходимлари кириб боришди.

Бўлиб ўтган воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Жарқишлоқлик 29 ёшли Умид Нишонов ва 27 ёшли Дилмурод Собиржонов гумонланувчи тариқасида ишга жабб этилдилар. Ҳамқишлоқларининг сўзларига қараганда, бу иккала "овчи" ғайриқонуний балиқ

О. МАШАРИПОВ,
Бош прокуратура
бошқарма прокурори
Ҳ. МЕЛЬНИКОВ,
Тошлоқ туман прокуратураси
терговчиси

овига муқасидан берилишган. 400-500 метр атрофида сим билан "қуролланиб" олиб, симни электр токи манбаига улаб Қоровулсой сувидан "илонбалиқ"ларни бамайлихотир "йиғиштириб олишга" одатланишган. Ҳамқишлоқлари, оксоқоллар эса кўз олдидарида содир этилаётган қонунбузилишга бефарқ қарашган.

— Ўша кун уйда дам олиб ётган эдим, — дейди Умид Нишонов, — соат учларда ўртоғим Дилмурод кириб келди. Қўл телефонида чип зарур бўлиб қолибди. Уникага тушадиган чипим йўқлигини айтдим. У балиқ овламаймизи, деб қолди. Бўпти, деб ховлимдаги симларни олиб Қоровулсой соҳилига бордик. Қирғоқ яқинидаги ховлида ҳеч ким яшамайди. Файзулло аканинг ховлиси девори ёрдамида, ёғоч столга қикдим. Симнинг бир учини таёк билан электр линиясига илаштирдим. Дилмурод аввалдан ёғочга бойланган нариги учини сувга тикиб олаверди. Ток уриб балиқлар сув бетига чалқанча оқа бошлади. Уларни ушлаб қирғоққа иригтавердик. Шу пайт Мухриддин келиб қолди. Оқаётган ўлик балиқларини ушлаш бошлади. Уни ток уради, деб хайдаб юбордик. У билганидан қолмади, беш-ўн метр қуйироқда биз териб улгурмаган балиқларни сувдан олаверди. Сувдан чиқиб яна электр симини тикқанимизда биров бақириб юборди. Мухриддин хайдасак ҳам гапимизга қирмасдан тагин сувга тушиб олган экан. Суғга беҳуш йиқилди. Уни қирғоққа опчиқиб балиқча ётқиздик, оёқ-қўлларини уқалаб, озгидан нафас бериб кўрдик...

Бошқа "овчи" Дилмурод Собиржонов шергининг сўзларини айнан такрорлашадан нарига ўтмади.

Бирок гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда, улар Мухриддинни хайдашамаган, аксинча, ўлган балиқларни йиғиштиришда қарашиб юборишга чорлашган. Симни излашган жойидан тортиб чиқаришни буюришганида Мухриддин яланғочланган жойидан ушлаб олган ва ток урган.

Ғайриқонуний балиқ овлаш чоғида бир ўсмирнинг ҳаётига зомин бўлган судланувчилар тегишли жазога тортилдилар. Ўқорида қўрганимиздек, қишлоқ ахли, айниқса ёши улугларнинг бепарволиклари, лоқайдликлари фожианинг белисотида сабабларидандир. "Овчи"лар ўз вақтида тартибга чақирилганида, ноқонуний қилмишларига барҳам берилганида, оқибати бу қадар аяқчи бўлмас эди.

«КРЕДИТ-СТАНДАРТ» ОАТ БАНКИ — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ



Credit
Standard
Bank

Бугун юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар ярати бериш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан турли имтиёзли кредитлар ажратилапти. Бу ўз навбатида, реал иқтисодий секторни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қўлаверса, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи илҳам корхоналар барпо этиш, шу орқали халқ турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламалдир.

Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида очик акционерлик тижорат "Кредит-Стандарт" банки томонидан ўтган йил давомида 24,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек, аҳолини ўсимлик ёғи билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида ёғ-мой саноат уюшмасига кирувчи иккита корхона 7,9 миллиард сўмлик кредит билан таъминланди. Бунинг натижада республикаимиз аҳолиси юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган талаби қисман қондирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол то-

варлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни улар билан янада бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини эса модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида ўтган йилда кўрсатилган кредит ҳамда лизинг хизматлари миқдори 4,7 миллиардни ташкил этди. Шу жумладан, банкнинг Самарқанд филиали миқозига узоқ муддатга 4,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатди. Натижада ушбу корхонага Бельгия, Франция, Германия давлатларидан 8 хил рангли гилам маҳсулоти ишлаб чиқарувчи, юқори сифатли, янги комплекс ускуналари келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йили очик акционерлик тижорат "Кредит-Стандарт" банки томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишлар қўлама катта бўлди. Бу борадаги ибратли ишлар жорий йилда ҳам давом этмоқда.

Банк матбуот хизмати



«Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади!

2011 йилнинг 23 март куни соат 11:00 дан бошлаб Чирочқи туманида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Чирочқи туман "Кўкдала" қишлоқ фуқаролар йиғини "Еттигим" кўрғони "Кўкдала" ширкат ҳўжалиги худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 33, 34, 35, 36, 47, 48, 49, 50, 55, 56, 63, 64, 71, 72, 74, 90, 95, 98, 114, 124, 126, 128, 130, 132, 133, 134, 169, 170, 171, 172, 173, 174 ва 175-сонли жами 52 та ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 50 000 сўмдан.

2. Чирочқи туман "Кўкдала" қишлоқ фуқаролар йиғини "Еттигим" кўрғони "Наврўз" фермер ҳўжаликлари худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 13, 17, 31, 32, 33, 34, 41, 42, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 69, 70, 81, 82, 92, 94, 100, 102, 104, 105, 106, 108, 109, 110, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 127, 132, 142, 144, 146, 148, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 189, 190, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 203, 204, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 215, 216, 217, 218, 219, 220, 221, 222, 223, 224, 225, 226, 227, 228, 229, 230, 231, 232, 233, 234, 235, 236, 237, 238, 239 ва 240-сонли жами 154 та ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 50 000 сўмдан.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион

савдолари 2011 йил 30 март, 27 апрел ва 04 май кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

2011 йилнинг 24 март куни соат 11:00 дан бошлаб Чирочқи туманида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Чирочқи туман "Зарбдор" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 46 та (1-сонли ер майдонидан 46-сонли ер майдонигача) ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 200 000 сўмдан.

2. Чирочқи туман "Дам" қишлоқ фуқаролар йиғини "Охунбобоев" фермер ҳўжаликлари худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 1, 8, 19, 26, 30, 39, 40, 41, 42, 43 ва 47 - сонли ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 200 000 сўмдан.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 31 март, 07 ва 14 апрел кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

2011 йилнинг 30 март куни соат 10:00 дан бошлаб Қарши шаҳар Мустақиллик кўчаси 3-уй вилоят Давлат мулкчи бошқармаси мажлислар залида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Шаҳрисабз туман "Қўшқовуз" маҳалла фуқаролар йиғини "Ўзбек" кўчасидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 500 м² дан иборат 5 та (1-сонли ер майдонидан 5-сонли ер майдонигача) ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 400 000 сўмдан.

2. Шаҳрисабз туман "Оқ сув" қишлоқ

фуқаролар йиғини "Полмон" қишлоғи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 2, 3, 6, 7 ва 15-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 100 000 сўмдан.

3. Яқкабўғ туман "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини "Мевазор" қишлоғи худудидан мерос қилиб қолдириш шарти билан яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 400 м² дан иборат 17, 62 ва 63-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 300 000 сўмдан.

4. Яқкабўғ туман "Уламжи" маҳалла фуқаролар йиғини "Шулликқирғиз" қишлоғи худудидан мерос қилиб қолдириш шарти билан яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат 37 ва 39-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200 000 сўмдан.

5. Яқкабўғ туман "Самок" қишлоқ фуқаролар йиғини "Кенгузар" қишлоғи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат жами 21-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200 000 сўмдан.

6. Яқкабўғ туман "Эсат" қишлоқ фуқаролар йиғини "Кучактепа" қишлоғи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар бири 600 м² дан иборат жами 32 ва 33-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200 000 сўмдан.

7. Яқкабўғ туман "Эсат" қишлоқ фуқаролар йиғини "Галабута" қишлоғи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ҳар

бири 600 м² дан иборат жами 28 ва 29-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200 000 сўмдан.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 06, 13 ва 20 апрель кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар 2011 йил 07 мартдан бошлаб ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача (23 ва 24 март куни ўтказиладиган аукцион савдолари бўйича Чирочқи туман кўчмас мулк агентлигида), 30 март куни ўтказиладиган аукцион савдоси бўйича (Қарши шаҳар Мустақиллик кўчаси 3-уй) да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдолар 3 (уч) кун олдин тўхталади.

Савдоларда қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорда закалат пули "Қашқадарё ким ошди савдо" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё филиалидаги, МФО:00190, СТИР: 205560394, ҳ/р:20208000504396266001 ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда тўланади.

Аукцион қолиби савдо кунидан бошлаб 20 (Игирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши, Шаҳрисабз ва Яқкабўғ ҳамда Чирочқи (тегишлилиги бўйича) туман яқка тартибда уй-жой қуришларини мувофиқлаштириш бўлими ҳисоб рақамига сотиб олинган ер майдонини расмийлаштириш харажатлари учун ҳамда туман маҳаллий бюджетига энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорда давлат божи тўловларини амалга ошириш шарт.

Манзил: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 3-уй.

Телефон: 221-05-88. Гувоҳнома № 1665

«Aktiv Broker» ДК биржа савдоларига таклиф этади!

2011 йил 22 мартда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати

№	Мулкнинг номи	Балас савдовчининг номи ва манзили	Мулкнинг манзили	Давлат аъитининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошланғич нархи (сўм)
1	Чилонзор тумани, Сўғала ота кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган умумий майдони 434 кв. метрга тенг бўлган бино қисми	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғала ота кўчаси, 7-уй	Бинонинг умумий ер майдони 955 кв. м бино ва иншоотлар майдони 494 кв. м фундаменти ва қарқас бетондан, деворлари ғиштдан ва соғбон мажжуд.	403 045 500
2011 йил 22 мартда "Республика кўчмас мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати					
1	Баҳмал тумани ҳокимлигига қарашли 2 та молхонадан иборат чорвачилик фермаси	Жиззах вилояти, Баҳмал туман ҳокимлиги	Жиззах вилояти, Баҳмал тумани, Баҳмал ҚФИ Тагон қишлоғи	Ферма биноси 1983 йилда ишта туширилган. Умумий ер майдони 58500 кв. м. Бинонинг фундаменти кўйма бетон, деворлари хом ғиштдан, том қисми шиферданган.	59 041 993

Осойишталик йўлида

Фидойи ва изланувчан инсон, прокуратура фахрийси Нажен Канназаров табар-рук 80 ёшга қаршиламоқда.



Нажен ака 41 йилдан ортик умрини Қорақалпоғистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Нажен Канназаров меҳнат фаолияти давомида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бўлим бошлиғи, Қораўзак туман ва Нукус шаҳар прокурори, Республика прокуратурасида бўлим прокурори ҳамда бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йилни босиб ўтди. Иш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, фидоийлиги, изланувчанлиги, ташкилотчилиги, самимиёлиги билан сафдошлари орасида хурмат қозонди.

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органилари Фахрийлари ижтимоий кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ҳудудий бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатиб, умрини эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун бахшида этган нурунийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қўлгина ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Нажен аканинг фидойи меҳнатлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати томонидан муносиб баҳолашиб, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони, "Меҳнат фахрийси" медали ва "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

Хурматли Нажен Канназарович, кутлуг 80 ёшингиз муборак бўлсин!

Бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Давоми. Бошланиши утган сонда/

— Ассалому алайкум. Отамурод акам уйдамм?

— Тинчликми, намунча ҳовлиқасан, — деди ҳамқишлоғи Салим "қирриқ"нинг ўғли Собирга қараб.

— Ҳа, опа, — деди Собир формасининг чанларини қоқаркан. — Нилуфар янгамнинг дарагини топдим.

— Дарагини топдинг?! Ё ўлигини топдингми?

— Айтманг-э, опа. — Ҳа, нима?! Келинимни топибсан деб, пешонандан ўпиб қўяйми? Укамни тамом қилди-ку, ўша... Топилган бўлса, топилгандир.

— Намунча шошасиз. Бу ишнинг орқасида жиноят бор, опа.

— Тавба қилсам, тавба қилсам, — ёқасини ушлади аёл.

— Жиноятчини қўлга олишимиз учун сизнинг ёрдамингиз керак...

— Менинг қўлимдан бало келармиди. Жиноятчини... Мени аралаштирма, укажон, қўрқаман.

— Укажонини тинчлиги учун ёрдам берасиз, опа. "Опергруппа" ишлапти. Яқинда ҳаммаси аниқ бўлади. Сиз бугун Ҳанифа фолбинга борасиз.

— Буни қара, ўзим ҳам энди ўшанга ихлос қилотувдим, де. Фоли тўғри чиқади, дейишди...

— Опажон, эшитинг. Калаванинг учи фолбин. Келиннингиз йўқолиб қолишдан бир кун бурун уникига борган. Эртасига Бухорода чой ичишганини кўришсан. Нилуфар опа Нигинани болалар уйига Ҳанифа билан олиб бориб топширган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун маълумот йиғасиз.

— Ҳали мени терговчими, прокурорми қилсанг. Балосан, Собиржон, бало... Хуллас, Сабоҳат рози бўлди.

Негадир Отамуроднинг оёқлари ўз-ўзидан "Шаҳина бар"га қараб юрди. Таниш "официантка" қизини нигоҳлари билан излади. Аслида ўша қизни яна бир бор қўмоқчи эди. Бироқ янги официантанинг нози уни ром этиб, ҳаммасини унутди.

— Ока, яримта шўрва йигит кишига нима ҳам бўларди? Иккита алатский сомса ҳам айта қолай...

— Майли, сиз захар берсангиз ҳам сйман, — у шундай деб, ёнидаги целлофан пакетдаги пулга қараб қўйди. "Пулим бор. Менинг ҳам дам олишга ҳақим бор-ку! Ёки Нилуфарнинг рўзига хиёнат қилаялманми? Майли, танишиб, манзил, телефон рақамини оламан".

— Ока, сомсани келтирайми? — Келтиринг, кутдириб ўлдирдингиз-ку, — шивирлади Отамурод.

— Шўх экансиз, ока...

Официантни опа хўмрайганча кутиб олди.

— Ҳа, намунча, ўлиб тургандек анави қишлоқига ёпишиб олдинг.

— Опа, пулини шилай дейман-да. Баъзи қишлоқлар ҳам пулдор чиқиб қолади, биласиз-ку...

— Ишдан кейин гаплашиб ол. Қўл тегмаган "товар" топиб бериши мумкин. Кейин микрорайонимга бориб, Фаридадан хабар ол. Бир-икки ой ит азобини егач, занжирдан бўшатаман. Тагин ўзини бир бало қилиб қўямасин.

— Қизикмисиз, опа. Жон ширин-ку! — Тилинг чиқиб қолдими? Бор, ишингиз қил.

Отамурод Раияни кечки соат 11 гача кутди.

— Вой, машинангиз "Нексия"ми дебман. Шу эски "Москвич" билан кўнглимни овламоқчимисиз, — ўриндилга ўтираркан гап қотди Раия. — Нега "настроангиз" йўқ, Ҳайданг энди, нима бўлса бўлар...

Икки қаватли уйнинг биринчи қаватидаги бир хонали хонадонга киришди.

— Шу "қошона" меники. Пешона тери эвазига олганман. Аввал ваннага киринг, — деди Раия нима қиларини билмай турган Отамуродни туртиб.

Йигит қайночасининг руҳи

чиқди. Шаҳарга ана шу вавролардан қутулиш учун келдим. Бироз пулим бор. Бу "арава"ни сотиб, "Жигули" олмақчиман. Кира қилиб, пул ишлайман, ижарага уй топаман. Қисқаси, ҳаётимни бошқадан бошламоқчиман.

— Ҳа айтганча, хотинингиз чиройли эдимиз? "Ростданам... хотиним чиройли эдимиз?"

— Эътибор қилмаган эканман. Балки у кишимга опага ўхшаганларнинг қўлига тушгандир?

— Қайдам? Эски шаҳарда бир ҳамқишлоғимиз қоракўл теридан телпақ тикади. Уша "хотининг ўлмаган, Дубайда" деб қолди. Жанжаллашиб, ёқалашдим. Энди вақтин бор, ўшанинг олдига ўтаман. Кейин... Раёно, — бироз ўйланиб, давом этди, — уй топгунимча сизникида яшаб турсам майлими?

— Майлику-я... Лекин "шеф" сизгами қизқаёпти. — Нималар деяпсиз? Мениям сотмоқчимин, дейман.

— Йўғ-е, аксинча, сотиб ол-

ДЕТЕКТИВ ҲИҚОЯ

Таъқиб

Моҳира ШАКАРОВА, журналист

моқчи.

— Тўшунмадим. — Машинангизга ўтирган қизларни олиб келиб опага рўпара қиласиз.

— Эси йўқ экан-ку унинг. Бу ишни қилмайман. — Мен ҳам шунини ўйлаб турибман. Ўзим қутула олмаётган тузоққа сизни илинтириб бермоқчи эмасман. Агар рози бўсангиз, — Раёно гапининг давомини айтмай, ўйланиб қолди. — Ҳа, бу ёғини кейин гаплашиб олармиз. "Бос"нинг қилмишларини ошкор қилишда менга ёрдам беринг" — демоқчи бўлди-ю, гапирмади. — Бир кунлик танишга нима дейман?"

— Сизни ҳам зериктириб юбордим. Бир-икки соат мизиб, кейин кетаман. Устингиздан қулфлаيمان. Қалит эшик олдидаги шолчаннинг тағида бўлади. Абелда учрашамиз, — Раёно Отамуроднинг устига оқаяёл ёпиб, уйкуси келмасе-да, креслога ўтирди.

Собир айтган гапларни ўйлаб қўли ишга бормаётган Сабоҳат Ҳанифа фолбинга нималар дейишни такрорлади. Наҳотки, фолбин шунча аёл бўлса?.. Ҳанифани узоқ кутди. Фолбин келмагач, уйига қайтди.

— Укам учун фол очтиришга борувдим, — деди овқатга кеч унаётганини оқламоқ бўлиб эрига.

— Эсинг йўқ, сени. Отамуроднинг ўилантириш керак, вассалом. Ёлғизлик нима қилмайдми одамни? — Анови Салим "қирриқ"нинг ўғли келувди, — чайналди аёл.

— Келин йўқолиб қолмасидан бир кун бурун Ҳанифаникига борган. Ундан кейин Нигинани "детдом"га топширишга ҳам бир аёл билан борган экан. Уша ёқдагилар айтишибди. Шу келиннинг гумдон бўлишида фолбиннинг қўли

бор дейди. Шунга сизам ёрдам беринг, деб...

— Учир овозингни! Овқатингга қара! Бир ками мелиса билан ишлаганинг қолувди. Уйдан чиқсанг, оёгингни уриб синдираман...

Отамурод қишлоққа бормади қўйганига икки ойча бўлди. Орада кўриниши анча тузук "Жигули" сотиб олди. Уст-боши ҳам тоза бўлди. Раия унга совға қилган қўйлак-шимини кийиб, эски бўлса ҳам қўлига сотка олгач, шаҳарликка айланди-қолди. Ҳаммаси яхши-ю, бироқ Ахтам бонинг руҳи "Москвич" билан кетмагани ёмон. Боз устига Раёнога яқинлашдим дегунча чол пайдо бўлиб, уни таъқиб қилишдан тўхтамади.

— Отамурод ака, бир нарсдан хурсанд бўлиб ўтирибман. "Босс" сизни гапимга кўнмади деганимга ишонди. Бугун Фарида ишга чиқди. Негадир опанинг пайтавасига қурт тушган. Балки савдоси юришмаётгандир? Ёки барда "сир"ли "кленг"лар пайдо бўлганга "хит" бўлаётганими?

— Раёно, ўзим ҳам ўйлаб турибман. Опани қўлга тушириб берсак-чи?

— Қанақа қилиб? — деди бир неча ойдан буён айнан шу ният билан юрган бўлса-да, ўзини нондонликка олиб.

— Барга келадиган мелисалардан бирини чалитг. Уйга ёки бирор жойга таклиф қил. Мени чақирсан, ўзим айтиб, керак бўлса, ёзиб бераман.

— Охиригача урдасасак яхши бўларди-я... Аммо "шеф" қўлулиб қолса, мени ўлдиртириши ҳеч гап эмас. Сиз-ку, бир бало қиларсиз. Мен...

— Дунени қурбақа сўрамайди-ку, Раёно. Қонун бор. Замон ўзгарган. Просто, булар яширишга иш олиб боришгани учун сирини ошкор қилиш қийинроқ кечадди деб ўйлаётман.

— Тўғрику-я, қўрқаман-да...

Раёнонинг кўзига уйку келмай, утган умрини, Дубайдаги кунларни эслади.

— Отамурод ака, ухламадин-гизми?

— Уйку қарда дейсиз? Нилунини ўйламан, Нигина қизимни ўйламан...

— Мен ҳам оилам, фарзандим бўлишини орзу қиламан. Гушанга-ку бир умрулик армон бўлиб қолди, — тинчиб қолган Раёно пикилдаб, йилғай бўлди.

— Йилғаманг, Раёно. Ҳали ҳаёт олдида. Ассейси, кўнглингиз тоза-ку.

— Ҳаётим яхши бўлиб кетишига ишонмайман.

— Унақа деманг, жоним, — Отамурод қандай қилиб Раёнонинг тушагига яқинлашганини сезмай қолди. У бир зум қайночасининг руҳини унутдимми ёки Ахтам бонинг руҳи шунини хоҳладими, билмайди...

Нилуфарсиз қолгандан бери биринчи тун шундай фароғатли кечди. Ёнида ухлаб ётган Раёнонинг тузган сочлари юзларини тўсиб турарди. "Ранг-бўқларсиз бошқача кўринар экан", хаёлидан ўтказди.

— Ишга бормайсизми? Саида опанинг...

— Соат неча бўлибди? Вой ўлмасам, — Раёно апил-тапил ювиниб, сумкасини қўлга олди...

Отамурод киракашлик қилиб топган пулларини санади. Қишлоқда уч йил ишласа ҳам, бунча топмасди. "Ёб-ичиш, уй ижараси, ҳаммаси Раёнонинг ҳисобидан бўлгач..."

Давоми кейинги сонда/

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Валерий КАПУСТЯНСКИЙнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Huquq yuridik gazeta Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKUMOV Tahrir hay'ati: Abbosxon SANGINOV, Mustoxor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yuxsupboy GOIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul ko'rib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 233-98-40, 233-10-53. Faks: 233-64-85, 233-10-53. E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko' chib bosh faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-1134. 34 633 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terlik va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Sahifalovchi: S.BOBOJONOV Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA Navbatchi: O'.DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda